

Pearson BTEC Ўзбекистон 5-даража

Бухгалтерия ҳисоби ва МОЛИЯ

соҳаси бўйича

Ўқитувчи Ресурслари

Ўқув-услубий материал

2-нашр



Edexcel, BTEC ва LCCI малакаси

Edexcel, BTEC ва LCCI малакаси бутун дунёда тажрибадан ўтган ва тан олинган, академик ва касбий малака тақдим этадиган, ушбу йўналиш бўйича Буюк Британияда энг йирик ташкилот ҳисобланадиган Pearson томонидан берилади. Қўшимча маълумот олиш учун qualifications.pearson.com сайтимизга ташриф буюринг. Бундан ташқари, сиз qualifications.pearson.com/contactus саҳифасида биз билан боғланиш учун тақдим этилган тўлиқ маълумотлардан фойдаланган ҳолда ҳам боғланишингиз мумкин.

Pearson ҳақида

Pearson – 70 дан ортиқ давлатда 35 000 дан зиёд ходимга эга бўлган, ўқитиш орқали инсонларнинг ҳаётида сезиларли ўсишга эришишни таъминлаш мақсадида барча ёшдаги одамларга ёрдам кўрсатиш устида ғайрат билан ишлаётган дунёдаги лидер таълим берувчи компания. Ўқувчилар компания манфаатларининг ва унга йўналтирилган ҳаракатларнинг маркази ҳисобланади, чунки таълим тизимининг ривожланиши умуман инсонларга ижобий таъсир этади. Биз сизга ва ўқувчиларингизга қандай ёрдам беришимиз мумкинлиги тўғрисида qualification.pearson.com сайти орқали кўпроқ билиб олишингиз мумкин

2-нашр – бу ҳужжатнинг янгиланган нусҳаси. Ўқув-методик материал ушбу малаканинг барча модулларини ўз ичига олади. Сўнги нашрни бизнинг сайтимизда топишингиз мумкин.

Ушбу матнда келтирилган ташқи материалларга ҳаволалар ишончли ҳисобланади. Pearson ўзгартириш мумкин бўлган материалларнинг мазмуни ёки ҳар қандай билдирилган фикрларни маъқулламайди, тасдиқламайди ва жавобгарликни ўз зиммасига олмайди. (Материал Китоблар, журналлар, бошқа нашрлар ва веб-саҳифаларни ўз ичига олиши мумкин).

Мазкур ҳужжатдаги барча маълумотлар нашр этиш вақтига ҳақиқий ҳисобланади.

ISBN 978 1 446 96489 7

Ушбу нашрдаги барча материаллар

© Pearson Education Limited 2020 нинг мулки ҳисобланади

Мундарижа

Кириш	1
1-модул: Молиявий транзакцияларни ҳисобга олиш	3
Ўқув кўлланма	3
Иш схемаси	13
Дарс режаси	29
Мустақил топшириқ қисқача йўриқномаси	69
2-модул: Молиявий менеджмент тамойиллари	83
Ўқув кўлланма	83
Иш схемаси	95
Дарс режаси	117
Мустақил топшириқ	159
3-модул: Бошқарув ҳисоби тамойиллари	165
Ўқув кўлланма	165
Иш схемаси	175
Дарс режаси	195
Мустақил топшириқ қисқача йўриқномаси	233
4-модул: Молиявий қайднома ва ҳисобот	241
Ўқув кўлланма	241
Иш схемаси	255
Дарс режаси	275
Мустақил топшириқ қисқача йўриқномаси	311
5-модул: Бошқарув ҳисоби ва қарорларни қабул қилиш	315
Ўқув кўлланма	315
Иш схемаси	329
Дарс режаси	351
Мустақил топшириқ қисқача йўриқномаси	391

Кириш

Ушбу манба буклети Pearson ВТЕС Ўзбекистон 5-даража Бухгалтерия ҳисоби ва молия соҳаси бўйича Профessional Диплом. Спецификация сизни нималарни ҳисобга олиш ва баҳолаш лозимлиги билан таништиради. Мазкур буклетда сиз бундан қандай амалга оширишингиз мумкинлиги тўғрисидаги таклиф ва ғояларни топасиз.

Ушбу буклет сизга таълим бериш ва ўқитиш учун ғояларни, жумладан амалий дарсларни, реал сценарийларни, иш берувчиларни мустақил ўқитишни тақдим этиш ва бошқаришга жалб этишни, шунингдек баҳолаш усуллари билан тақдим этиш этади. Шунингдек, буклет сизга спецификациянинг ўз ичига олган маълумотлари амалда қандай ишлаши мумкинлигини кўрсатади ва сизнинг малакангизни оширишнинг турли усуллари ҳақида ўйлашга ундайди.

Мазкур манба буклети сизга қуйидагиларни тақдим этади:

- малакадаги модулларни қандай ўқитиш тўғрисидаги қўлланмани;
- малакадаги модулларни ўқитишда ёрдам берадиган, тавсия этиладиган Ресурсларни;
- бутун малака бўйлаб барча модулларда қамраб олинadиган мавзулар, топшириқлар ва баҳолашларни тушунтириб берувчи иш схемаларини;
- модулларга доир дарсларни қандай олиб бориш тўғрисидаги батафсил қўлланмадан иборат дарс режаларини;
- малакадаги барча модулларни баҳоланишини қўллаб-қувватлаш учун мустақил топшириқ брифларини.

Ушбу манба буклетидаги маълумотлар малакалар учун материалларни яратиш билан боғлиқ бўлган ўқитувчилар томонидан тўпланган, шунинг учун улар ВТЕС малакаларини ўқитишдаги янги ва қизиқарли усуллари билан муаммоларини тушунадилар.

Мазкур буклетдаги ўқитиш бўйича йўриқнома сизга малакани тақдим этишни режалаштиришдаги эътиборга олиниши лозим бўлган маълумотни беради. Унда қуйидаги маълумотлар берилган:

- малакангизнинг тузилмаси ҳақида;
- ўқувчиларингиз учун малакани қандай белгилаб беришингиз мумкинлиги ҳақида;
- тегишли иш берувчилар билан қандай боғланишингиз бўйича таклифлар ҳақида;
- бошқа қўллаб-қувватлаш ва мавжуд Ресурслар тўғрисида маълумот ҳақида.

Биз сизга индивидуал қўлланма тақдим этдик. У ўқув мақсадларига ва модул таркибига бўлган ёндашувлар ҳақида таклифларни ҳамда қизиқарли ва турли хил машғулотлар учун ғояларни ўз ичига олади. Сиз шунингдек, унда ўз топшириқ ва вазифаларингизни қандай режалаштириш ва бажариш тўғрисида маслаҳатлар ва ғояларни топишингиз мумкин.


Биз ҳар бир модул учун диққат билан саралаб олинган Ресурслар рўйхатини киритдик. Ушбу Ресурслар рўйхатига ўқувчиларингизга фойдаланиш учун маслаҳат беришингиз ва/ёки ўзингиз ўқитишда қўшимча материал сифатида фойдаланишингиз мумкин бўлган китоблар, веб-сайтлар ва видеолар киритилган.

1-модул: Молиявий транзакцияларни ҳисобга олиш

Ўқув қўлланма

Мазкур модул сизни ушбу курсдаги бошқа барча модулларга доир дастлабки билим ва тушунчалар билан таъминлайди. У ташкилотнинг тегишли маълумотлари ва молиявий амалиётларининг аниқ ҳисобини олиш учун ўқувчиларингиздан машғулотларга нисбатан мустақил ўқиётган ўқувчилар сифатида ёндашишни талаб этади. Мазкур модулни бошқа барча модуллар унга асосланадиган кирувчи модул бўлиши тавсия этилади. Кейин ўқувчилар корхонага ўз фаолиятини ўзининг молиявий мақсадларига мос тарзда баҳолаш ва қисқа муддатли тезкор бошқариш қарорларига, шунингдек, унинг келгусидаги стратегик йўналишига мўлжалланган қарорларига нисбатан асосли қарорлар қабул қилиш имконини бериш орқали бошқа бўлинмаларнинг молиявий амалиётлар ҳисоби билан қандай боғлиқ эканини тушунишлари мумкин бўлади.

1-тасвирда сизнинг мазкур модулга ва унинг дастурдаги бошқа модуллар билан боғлиқлигига қандай ёндашишингиз тўғрисидаги шарҳ тақдим этилган.



1-расм. Бухгалтерия ҳисобининг турли жиҳатлари ўртасидаги ўзаро боғлиқлик.

Самарали амалиётнинг навбатдаги жиҳатларидан дарс режалари ва ўқитишга доир мазкур қўлланма билан келадиган иш схемалари билан биргаликда фойдаланилиш лозим.

- Ҳар бир дарснинг бошида аввалги сессияга хулоса ясанг. Бу ўқувчиларнинг ўсишларини кузатиш ва саволлар бериш имкониятини беради.
- Ҳар бир янги мавзуни реал мисоллардан фойдаланган ҳолда, соддасидан мураккабига томон такомиллаштиринг.

- Ўқувчиларни жараёнга жалб этиш учун ўқитишнинг турли услубларидан фойдаланиш имкониятини берадиган турли усуллардан фойдаланиш керак бўлади. Масалан, жуфт бўлиб ишлаш ва жамоавий иш. Гуруҳдаги ўқувчиларнинг максимал сони уч кишидан иборат бўлиши тавсия этилади, чунки катта гуруҳларда ўқувчилар ўз билимларини намойиш этиш имкониятига эга бўлмайдилар.
- Бир хилликни бузган ҳолда дарс суръатини ўзгартиринг, яъни ҳар хил турдаги машқларни, вақт борасида чекланган топшириқларни ва турли материалларни қўлланг.
- Ўқувчиларнинг хато қилишларига имкон беринг. Бу уларга керак. Барчамиз энг яхши тажрибани хато қилиш орқали оламиз.
- Ўқувчиларнинг ўз хулосаларини сизга тақдим этишларидан аввал жавобларини бир-бирларининг жавоблари билан солиштиришлари энг яхши ғоя ҳисобланади.
- Ўқувчиларнинг кўникмаларини ривожлантириш учун амалий машқлардан фойдаланинг. Улар синфда ўтказилиши ёки уй вазифаси сифатида берилиши мумкин.
- Сиз ўқувчиларни қўшимча вазифаларни бажаришга ундашингиз лозим – масалан, тегишли Китоблардан олинган машқлар, газета ёки веб-сайтларнинг ишбилармонликка оид ва молиявий бўлимларидан олинган реал мисоллар, бу уларга мавзунинг мазмунини уқиб олишларига ёрдам беради.
- Ҳар бир мавзунинг охирида ўрганилганларни мустақкамлаш учун сиз ўз ўқитишингизга мини-тестларни қўшишингиз мумкин.

Мазкур модулнинг иш схемаси 20 та алоҳида ўқитиш сессияларига асосланган бўлиб, ҳар бир сессия 3 соат давом этади. Сиз ўз дарсларингизнинг давомийлигидан келиб чиқиб ўзингизнинг ўқитиш дастурингизни мувофиқлаштиришингиз лозим. Бироқ, ҳар бир дарснинг давомийлигидан қатъий назар иш схемасидаги ҳаракатлар узвийлиги дарснинг давомийлигига мос тарзда сақланиши ва мувофиқлаштирилиши керак бўлади.

Модул билан танишиш

Мазкур модулни ўрганаётган ўқувчилар бу фанни аввал ўрганмаган ёки бухгалтерия ҳисобининг асосий элементларини бир мунча вақт аввал ўрганган бўлишлари мумкин. Шу сабабли фанни аввалдан билишларини назарда тутмаган афзал.

Бироқ, бошқарувчи ёки назорат қилувчи лавозимларни эгаллаб турган ўқувчиларнинг бухгалтерия ҳисоби атамалари билан таниш бўлишлари ва молиявий иш билан боғлиқ маълумотлардан ўзларининг лавозим вазифалари доирасида фойдаланишлари эҳтимоли юқори. Масалан, агар уларнинг лавозим вазифаларига бюджетни ижро этиш мажбуриятлари кирса, улар ташкилий молиявий низомлар, жараёнлар ва тартиб-таомиллар билан таниш бўладилар.

Худди шу тариқа, стратегик ва тезкор бошқариш билан боғлиқ бошқарувчи лавозимни эгаллаганлар молиявий бошқариш билан боғлиқ маълумотлардан қарорлар қабул қилиш жараёни доирасида фойдаланишлари мумкин.

Шунинг учун, сизнинг мазкур модулни бажаришда ўқувчиларнинг бухгалтерия ҳисоби соҳасидаги иш тажрибалари ва билимларини аниқлаб олишингиз муҳим ҳисобланади. Ўқитиш бўйича қўлланма билан бирга келадиган иш схемаси бу тажрибанинг дарсларга қандай жорий этилиши бўйича тавсияларни беради.

Тестлар ва машқлар ўқувчиларнинг бухгалтерия ҳисоби усуллари ҳақидаги билимларига таянган ва курснинг давом этиши билан мураккаблашиб борадиган тарзда режалаштирилиши лозим. Бундай ёндашувдан фойдаланиш дастлаб бухгалтерия тенгламалари ва икки ёқлама ёзув тамойили, кейин эса солиштирув тақдим этилишини англатади; назорат ва оралиқ ҳисоблари мос равишда ундан сўнг келади.

Умумий мақсад ўқувчиларнинг якка тартибдаги тадбиркор, шерикчилик (ширкат) ва масъулияти чекланган компаниялар учун якуний ҳисоботлар тўпламини тайёрлай олишларидан иборат. Ўқувчилар мазкур якуний ҳисоботларга ушбу қисқа муддатли курслар дастурини ташкил этувчи бошқа модулларда, айнан молиявий ҳисоботларни қамраб олувчи «Бошқарув ҳисобининг тамойиллари» деб номланадиган 3-модулда қайтадилар.

Баҳолаш модели

Ўқитиш мақсади	Асосий мавзулар	Баҳолашга нисбатан тавсия этилган ёндашув
A Икки ёқлама бухгалтериядан фойдаланиб хўжалик амалиётларини ёзишни билиш ва синов балансини чиқариш	<ul style="list-style-type: none"> • Хўжалик амалиётлари • Икки ёқлама бухгалтерия • Синов баланси 	Ташкилот учун берилган молиявий маълумотлар тўпламидан қатор молиявий ҳужжатларни яратиш
B Якуний ҳисоботларни тузишни билиш	<ul style="list-style-type: none"> • Молиявий ҳисоботлар ва молиявий кўчирмалар • Ҳисоблар турлари • Тамойиллар ва келишувлар 	
C Компания ва банк ёзувларининг тўғрилигига ишонч ҳосил қилиш учун банк солиштирувини ўтказишни билиш	<ul style="list-style-type: none"> • Банк солиштируви • Солиштирув жараёни • Фарқ 	
D Назорат ҳисобларини солиштиришни ва қайд этилган транзакцияларни оралиқ ҳисоб рақамлардан керакли ҳисоб рақамларга кўчиришни билиш	<ul style="list-style-type: none"> • Назорат ҳисоблари (синтетик ҳисоблари) • Оралиқ ҳисоблар • Мазкур ҳисоб рақамларни текшириш 	

Баҳолашга доир қўлланма

Барча ўқитиш мақсадлари

Мазкур модул барча тўртта ўқитиш мақсадларини қамраб оладиган биттадан топшириқ бўйича баҳоланади. Ўқувчиларга ташкилот (ўқувчиларнинг якка тартибдаги тадбиркор, шерикчилик (ширкат) ва масъулияти чекланган компания) учун якуний ҳисоботлар (жумладан фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисобот ва бухгалтерия баланси) тайёрланиши керак бўлган молиявий маълумотларнинг батафсил тўпламини ўз ичига оладиган муайян контекст тақдим этилади. Жараён аввал ҳисобга олинган молиявий амалиётларга тузатишлар киритишни (бухгалтерия бош китобини ва дастлабки балансни тузиш учун) ва банк ҳисоб рақамларини текширишни якунлашни ўз ичига олади.

Модулнинг бошланиши

Бошланиш ўқитиш усулини тақдим этиш учун таянч нуқтаси ҳисобланади.

1-модул: Молиявий транзакцияларни ҳисобга олиш

Кириш

Ўқувчиларнинг берилган молиявий маълумотлар тўпламидан тегишли молиявий маълумотларни чиқариб олиш ва ёзиб бориш қобилиятлари мазкур модулни муваффақиятли яқунлашнинг асосий омили ҳисобланади. Шунинг учун, сиз ўқувчиларингизга молиявий амалиётлар ҳисобида тажриба олишларига имконият берадиган кўплаб тестлар ва машқларни режалаштиришингиз ҳамда киритишингиз лозим бўлади.

Уларни курснинг бошидан бошлаб Бухгалтерия Ҳисобининг Халқаро Стандартлари (БҲҲС) нинг мақсади ва улардан фойдаланиш билан таништириш тавсия этилади.

Глоссарий сиз ўқувчиларга тақдим этишингиз мумкин бўлган модулнинг спецификациясига киритилган. Бу, агар сиз хатто Молиявий Ҳисоботларнинг Халқаро Стандартлари (МҲҲС) доирасидан ташқаридаги атамалардан фойдаланганингизда ҳам, ўқувчиларингиз бухгалтерия ҳисобининг турли атамалар ўртасидаги ўзаро боғлиқликни билишларини кафолатлайди.

А ўқитиш мақсади – Икки ёқлама бухгалтериядан фойдаланиб хўжалик амалиётларини ёзишни билиш ва синов балансини чиқариш

- Активлар, мажбуриятлар ва маблағларга кириш.
 - Бухгалтерия тенгламасининг икки ёқлама ёзув тизими билан қандай боғлиқ эканини тушунтиринг.
 - Икки ёқлама ёзув тамойилини, автономлик тамойилини, бухгалтерия тенгламасини, шунингдек амалиётларнинг бухгалтерия тенгламасига таъсирини тушунтиринг ва намойиш этинг.
- Активлар, мажбуриятлар ва маблағларнинг таснифи билан боғлиқ бўлган вазифаларни, шунингдек, бухгалтерия тенгламасидан фойдаланган ҳолда сонли машқларни кўриб чиқинг:
 - $\text{активлар} = \text{мажбуриятлар} + \text{маблағлар}$ (ўз маблағлари)
- Активлар, мажбуриятлар ва маблағлар билан боғлиқ амалиётларнинг бухгалтерия китоблар(ҳисоблар)ининг дебет ёки кредит томонида қандай акс этишини намойиш этинг.
- Оддий синов балансларини тузишни ва улар бухгалтерия тенгламасини қандай исботлашини кўрсатинг.

<p>В ўқитиш мақсади – Якуний ҳисоботларни тузишни билиш</p>
<ul style="list-style-type: none"> ● Тузатишлар ва бухгалтерия ҳисоби қоидаларини ҳисобга олган ҳолда, ташкилотларнинг ҳар хил турлари учун якуний ҳисоботларни тайёрлаш. Ўқувчилар куйидагиларни аниқ кўрсатиб берадиган молиявий ҳисоботларнинг анъанавий формати билан таништирилишлари лозим: <ul style="list-style-type: none"> ○ ялпи фойдани; харажатларни; соф фойдани (йиллик фойда: тақсимланмаган фойда, чек кўчирмаси, тақсимланган фойда, тақсимлаш (шериклик ҳисоб рақамлари). ○ бухгалтерия ҳисобидаги тузатишларни: ○ ҳисоблашни, олдиндан тўловни, умидсиз қарзларни (қайтмайдиган қарзларни) ва амортизацияни. ● Якуний ҳисоботлар (молиявий ҳисоботлар): <ul style="list-style-type: none"> ○ Савдо ҳисоб рақамлари ҳамда фойда ва зарарлар ҳисоб рақамлари (фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисобот, ялпи даромад тўғрисидаги ҳисобот). ○ Бухгалтерия баланси (молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисобот).
<p>С ўқитиш мақсади – Компания ва банк ёзувларининг тўғрилигига ишонч ҳосил қилиш учун банк солиштирувини ўтказишни билиш</p>
<ul style="list-style-type: none"> ● Банк текширувларининг зарурлиги: <ul style="list-style-type: none"> ○ нима учун касса китобидаги банк баланси банк кўчирмаси кўрсаткичларига доим ҳам мос келавермайди? ○ Банк текшируви терминологияси ● Банк текшируви билан боғлиқ муаммолар ● Банк текшируви жараёни: <ul style="list-style-type: none"> ○ «галочкалар»ни қўйиш, касса китобини янгилаш ва балансга келтириш
<p>Д ўқитиш мақсади – Назорат ҳисобларини солиштиришни ва қайд этилган транзакцияларни оралиқ ҳисоб рақамлардан керакли ҳисоб рақамларга кўчиришни билиш</p>
<ul style="list-style-type: none"> ● Назорат ва оралиқ ҳисоб рақамлари: <ul style="list-style-type: none"> ○ оралиқ ва назорат ҳисоб рақамларининг ўзига хосликлари ўртасидаги фарқ ○ назорат ҳисоб рақамларининг мақсади ва савдо кредитор ва савдо дебитор қарздорликлари бўйича назорат ҳисоб рақамларини тайёрлашни; уларнинг кўмаклашувчи бухгалтерия китоблари умумий суммаси билан қандай солиштирилиши мумкинлигини намоён этиш.

ВТЕС нинг бошқа модуллари ва малакаларига ҳаволалар

Ресурслар

Мазкур модул қисқа курснинг ушбу дастуридаги бошқа барча модуллари билан боғланган.

Китоблар

- Питер Этрилли, Эдди Маклейни. *Мутахассис бўлмаганлар учун бухгалтерия ҳисоби ва молия*, Pearson (2012), ISBN-13: 978-0273778035
- Dyson, J. R. *Accounting for Non-Accounting Students*, Financial Times/Prentice Hall (2010), ISBN-13: 978-0273034391.
- Glautier, M. et al, *Accounting Theory and Practice*, Financial Times/Prentice Hall (2010), ISBN-13: 978-027362444-8.
- Loughran, M. *Financial Accounting for Dummies*, John Wiley & Sons, Inc. (2011), ISBN-13: 978-0470930656.
- Маклейни Эдди ва Питер Этрилл. *Accounting: An Introduction*, Pearson (2012), ISBN-13: 978-0273771944.

Журналлар

- *Ҳисоб, аудит ва молия журнали*
- *Бизнес-молия ва бухгалтерия ҳисоби журнали*
- *Бошқарув ва молиявий ҳисобнинг халқаро журнали*

Pearson ташқи интернет-сайтларининг мазмунига жавобгарликни ўз зиммасига олмайди. Ҳар бир веб-сайтни синфда фойдаланишдан аввал, URL-манзилнинг ҳамон аниқ, жорий ва ўринли эканига ишонч ҳосил қилиш учун ўқитувчилар томонидан кўриб чиқилиши муҳим ҳисобланади. Биз ўқитувчиларга фойдали веб-сайтларни танланган саҳифаларда сақлашни ва ўқувчиларга мактаб / колледжнинг ички тармоғи орқали улардан фойдаланишга рухсат беришларини маслаҳат берамиз.

Иш схемаси

Модул	1-модул: Молиявий транзакцияларни ҳисобга олиш
Ўқув соатлари	60
Дарслар сони	20
Дарслар давомийлиги	3 соат
Бошқа модулларга ҳаволалар	Барча модуллар

Ўқитиш учун калитлар			
ЁМТ	Ёзма мустақил топшириқ	ММ	Материални мустаҳкамлаш
ТЭС	Таклиф этилган спикер	Т	Ташриф
МЎ	Мустақил ўқитиш	ИТ	Иш тажрибаси

#	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
1	Молиявий ҳисобга кириш	Ўқитувчи раҳбарлигида муҳокама қилиш ва мустақил ўқиш	<ul style="list-style-type: none"> • Кириш: модулнинг мазмунини ва баҳолашни тушунтиринг. Бухгалтерия ҳисоби ва меъёрий-ҳуқуқий базанинг ролини жорий этинг. • Жуфликда бажариладиган машқлар: «Сиз билан танишиш», бунда ҳар бир ўқувчи ўз иш тажрибаси билан ўртоқлашади ва ўзининг жорий ишини таърифлаб беради. • Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама: аввалги ҳар қандай тажриба / ўқитиш / билимларни баҳоланг. • Ўқитувчи бошчилигидаги тақдимот: молиявий вазифаларга нисбатан бизнеснинг асосий вазифалари. • Кичик гуруҳлардаги машқлар: ташкилот амалга ошириши мумкин бўлган молиявий амалиётларни санаб ўтинг ва муҳокама қилинг. • Мазкур молиявий амалиётларни аввал кўриб ўтилган молиявий фаолият билан боғланг. • Ўқитувчи бошчилигидаги тақдимот: активлар, мажбуриятлар ва маблағлар мавзусига кириш. • Мустақил бажариш учун машқ: активлар, мажбуриятлар ва маблағларни фарқлашга доир машқни яқунланг. Қайдларни ёзинг ва таянч атамалар глоссарийсини юритишни бошланг. • Яқуний сессия: ўқитишнинг дарсда ўтилган асосий жиҳатларини мустаҳкамланг. 	<p>Модулнинг спецификацияси.</p> <p>Ёзув тахтаси ва ручкалар.</p> <p>Тақдимотга изоҳлар.</p> <p>Дарс вақтида олинган, ўқитишнинг асосий натижаларини ёзиб бориш учун андоза.</p> <p>Активлар, мажбуриятлар ва маблағлар.</p>

#	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
2	Бухгалтерия ҳисоби амалиётлари – икки ёқлама ёзув тизими.	Ўқитувчи раҳбарлигида муҳокама қилиш ва мустақил ўқиш	<ul style="list-style-type: none"> • Кириш: бухгалтерия ҳисобининг тутган ўрни ва меъёрий-ҳуқуқий база. • Ўқитувчи бошчилигидаги тақдимот: бухгалтериядаги икки ёқлама ёзув тамойиллари. Дебет ва кредит ёзувлари қандай ҳисобга олинади? Бухгалтерия бош китоби ва бухгалтерия бош китобининг ҳисоблари нима экани ҳақида сўзлаб беринг. Топшириқ беринг. • Мустақил бажариш учун машқ: қўлда бажариладиган ва электрон ҳисоб тизимларининг ўзига хосликларини солиштириш ва таққослаш. Сотишлар, харидлар, нақд пул тўловлари ва тушумларга доир асосий амалиётларни ёзиш бўйича машқни бажаринг. • Жуфликда бажариладиган машқлар: бухгалтерия ҳисобининг компьютерлашган тизимига иккита мисол топинг ва молиявий ҳисобни бошқаришнинг ташкилотга таъсирини кўриб чиқинг. • Ўқитувчи бошчилигидаги тақдимот: активлар, мажбуриятлар ва маблағларни тақдим этинг. Бухгалтерия тенгламасининг икки ёқлама ёзув тизимига нисбатан муносабати қандай. Икки ёқлама ёзув тамойилини, автономлик ва бухгалтерия ҳисоби тенгламасининг тамойилини, шунингдек амалиётларнинг бухгалтерия тенгламасига таъсирини тушунтиринг ва намойиш этинг. Дебет ва кредит амалиётларининг ёзувларини қандай амалга ошириш лозим? Бухгалтерия бош китоби ва бухгалтерия бош китобининг ҳисоблари нима? • Мустақил бажариш учун машқ: сотишлар, харидлар, нақд пул тўловлари ва квитанциялар бўйича асосий амалиётлар ҳисобига доир машқларни яқунланг. Қўлда бажариладиган ва электрон ҳисоб тизимларининг ўзига хосликларини солиштиринг ва таққосланг. • Яқуний сессия: ўқитишнинг асосий бандларини мустаҳкамланг. 	<p>Модулнинг спецификацияси.</p> <p>Ёзув тахтаси ва ручкалар.</p> <p>Тақдимотга изоҳлар.</p> <p>Молиявий амалиётлар учун қайднома.</p> <p>Интернетга уланиш имконияти мавжуд компьютерлар.</p>

#	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
3	Синов баланси (1-қисм)	Ўқитувчи раҳбарлигида муҳокама қилиш ва мустақил ўқиш	<ul style="list-style-type: none"> • Кириш: аввалги дарсни шарҳланг. • Ўқитувчи бошчилигидаги тақдимот: синов балансини тайёрлаш ва уларнинг вазифалари, амалиётлар оқими, бухгалтерия китоблари, амалиётларнинг икки ёқлама ёзувларининг таъсири; синов балансидаги амалиётлар ҳисобини намойиш этиш. • Мустақил бажариш учун машқ: бухгалтерия бош китоби ҳисобларидаги маълумотлар асосида синов балансини тузиш, жумладан амалиётлар оқимини тиклаш ва асосий синов балансини тузиш учун амалий машқларни бажариш. • Мустақил бажариш учун машқ: қайдларни ёзиш. • Якуний сессия: ўқитишнинг дарсда ўтилган асосий жиҳатларини мустаҳкамланг. 	<p>Модулнинг спецификацияси.</p> <p>Ёзув тахтаси ва ручкалар.</p> <p>Тақдимотга изоҳлар.</p> <p>Синов баланслари учун қайднома.</p> <p>Интернетга уланиш имконияти мавжуд компьютерлар.</p>

#	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
4	Синов баланси (2-қисм)	Ўқитувчи раҳбарлигида муҳокама қилиш ва мустақил ўқиш	<ul style="list-style-type: none"> • Кириш: аввалги дарсни шарҳланг. • Мустақил бажариш учун машқ: икки ёқлама ёзув усулидан фойдаланиб бухгалтерия ҳисобларини тузишга доир машқларни яқунланг. Синов балансини бухгалтерия китоби ҳисобларидан олинган маълумотлар билан тўлдилинг. • Ўқитувчи бошчилигидаги тақдимот: харажатлар ва даромадларни ҳисобга олиш, уларни балансга келтириш ва синов балансларини тузиш учун бажарилган ёзувларни тушунтиринг ва намойиш этинг. • Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама: синфдаги муҳокамаларда ўқувчиларнинг иштирокини ва концепцияларни тушунишини таъминланг. • Синфдаги муҳокама: синов балансларининг мисолларини тақдим этинг ва улар билан ўртоқлашинг. Бир-бирларингизнинг ишларингизни тўғриланг ва баҳоланг. • Мустақил бажариш учун машқ: қайдларни ёзиш. • Яқуний сессия: ўқитишнинг дарсда ўтилган асосий жиҳатларини мустаҳкамланг. 	<p>Модулнинг спецификацияси.</p> <p>Ёзув тахтаси ва ручкалар.</p> <p>Тақдимотга изоҳлар.</p> <p>Синов баланслари учун қайднома.</p> <p>Интернетга улашиш имконияти мавжуд компьютерлар.</p>

#	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
5	Молиявий ҳисоб рақамлар.	Ўқитувчи раҳбарлигида муҳокама қилиш ва мустақил ўқиш	<ul style="list-style-type: none"> • Кириш: аввалги дарсни шарҳланг. • Ўқитувчи бошчилигидаги тақдимот: молиявий ҳисоботлар ва ведомостлар, шунингдек ҳисобларнинг ҳар хил турлари, жумладан молиявий ҳисоботлар халқаро стандартлари (МҲҲС) ўртасидаги фарқни тушунтиринг. • Жуфликда бажариладиган машқлар: мавзуга оид тадқиқотлардан фойдаланган ҳолда молиявий ҳисоботлар ва молиявий қайдномалар ўртасидаги фарқни санаб ўтинг ва муҳокама қилинг. • Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама: ўқувчиларнинг молиявий ҳисоботлар ва молиявий қайдномалар ўртасидаги фарқларни тушунишларини мустаҳкамланг. • Мустақил бажариш учун машқ: берилган синов балансидан якка тартибдаги тадбиркор учун молиявий ҳисоботларни тайёрланг. • Ишчи варақларни тўлдириш ва молиявий ҳисоботни тайёрлаш учун ёзувларни бажаринг. Берилган синов балансидан молиявий ҳисобот тузиш учун кейинги машқларни бажаринг. • Якуний сессия: ўқитишнинг дарсда ўтилган асосий жиҳатларини мустаҳкамланг. 	<p>Модулнинг спецификацияси.</p> <p>Ёзув тахтаси ва ручкалар.</p> <p>Тақдимотга изоҳлар.</p> <p>Даромадлар тўғрисидаги ҳисоботлар ва бухгалтерия баланслари учун андозалар.</p> <p>Хусусий сектор тижорат ташкилотларининг мавзуга оид тадқиқотлари.</p> <p>Интернетга уланиш имконияти мавжуд компьютерлар.</p>

#	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
6	Яқуний ҳисоб рақамларни тўғрилаш. Бухгалтерия ҳисоби ва келишувларнинг тамойиллари.	Ўқитувчи раҳбарлигида муҳокама қилиш ва мустақил ўқиш	<ul style="list-style-type: none"> • Кириш: аввалги дарсни шарҳланг. • Ўқитувчи бошчилигидаги тақдимот: тўғрилаш нима ва у қачон амалга оширилади, жумладан ҳисоблаш, олдиндан тўлов, умидсиз қарзлар, амортизация; синов балансидаги ҳисоб-китобларни тўғрилашни қандай бажариш керак? • Жуфликда бажариладиган машқлар: берилган рўйхатдаги тузатишларнинг турини аниқланг. • Мустақил бажариш учун машқ: тузатишлардан иборат бўлган яқуний ҳисоботларни тайёрлаш (ҳисоблаш, олдиндан тўлов, умидсиз қарзлар, амортизация). • Синфдаги муҳокама: бир-бирининг ишини эксперт тарзида баҳолаш; ҳисоб-китоблар ва усуллардаги хатоларни аниқлаш. • Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама: ўқувчилардан берилган машқлар учун ўз ечимларини тақдим этишларини ва хатоларни, усулларни, ҳисоб-китобларни муҳокама қилишларини сўранг. • Мустақил бажариш учун машқ: тўғриланган мазкур синов баланси асосида молиявий ҳисоботни тузиш учун кейинги машқларни бажариш. • Яқуний сессия: ўқитишнинг дарсда ўтилган асосий жиҳатларини мустаҳкамланг. 	<p>Модулнинг спецификацияси.</p> <p>Ёзув тахтаси ва ручкалар.</p> <p>Тақдимотга изоҳлар.</p> <p>Даромадлар тўғрисидаги ҳисоботлар ва бухгалтерия баланслари учун андозалар.</p> <p>Молиявий ҳисоботни тайёрлаш қайдномаси.</p> <p>Интернетга уланиш имконияти мавжуд компьютерлар.</p>

#	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
7	Амалиёт топшириғи.	Ўқитувчи раҳбарлигида муҳокама қилиш ва мустақил ўқиш	<ul style="list-style-type: none"> • Кириш: бухгалтерия ҳисоби, конвенциялар ва стандартлар тамайилларининг хулосаси. • Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама: тестларга нисбатан талаблар тўғрисида. • Ўқитувчи бошчилигидаги машқлар: гуруҳли ҳамда якка ҳолдаги муаммолар ва умумий масалаларни ҳал этиш учун саволлар ва жавоблардан фойдаланинг. • Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама: ўқувчиларнинг ўзлаштиришларини кўздан кечириш. • Мустақил бажариш учун машқ: такрорлаш зарур бўлган мавзулар / амалиётлар / назарияларни ажратиб кўрсатинг. Баҳолашга нисбатан талабларнинг бажарилишини текширинг. Якка тартибдаги тадбиркорлар, шерикчиликлар ва масъулияти чекланган жамиятлар учун якуний ҳисоботларни тайёрлаш ҳамда якунлаш мақсадида макет, ёпиқ китоб, синфдаги тест устида иш олиб боринг. • Якуний сессия: ўқитишнинг дарсда ўтилган асосий жиҳатларини мустаҳкамланг. 	<p>Модулнинг спецификацияси.</p> <p>Ёзув тахтаси ва ручкалар.</p> <p>Баҳолашлар ёзувлари учун ҳужжатлар тўплами.</p> <p>Интернетга уланиш имконияти мавжуд компьютерлар.</p>

#	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
8	Банк текширувлари (1-қисм).	Ўқитувчи раҳбарлигида муҳокама қилиш ва мустақил ўқиш	<ul style="list-style-type: none"> • Кириш: аввалги дарсни шарҳланг. Топшириқни тақсимланг ва унинг талабларини тақдим этинг. • Ўқитувчи бошчилигидаги тақдимот: банк текширувларининг зарурияти, банк текширувларининг жараёни, банк текширувларининг терминологияси, банк текширувларининг муаммолари. • Жуфликда бажариладиган машқлар: оддий банк текширувларидаги вазифалар кўламини аниқланг. Банк текширувларининг устунликларини санаб ўтинг ва муҳокама қилинг. • Мустақил бажариш учун машқ: банк ҳисоб рақамларини текширишнинг мураккаб вазифалари устида ишлаш, жумладан эҳтимолий муаммоларни аниқлаш ва ҳал этиш. • Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама: текширишларнинг зарурлиги. Ўқувчилардан берилган машқлар учун ўз ечимларини тақдим этишларини ва хатолар, усуллар ҳамда ҳисоб-китобларни муҳокама қилишларини сўранг. • Мустақил бажариш учун машқ: қайдларни ёзиш. Касса китоби ва банк кўчирмаларини кўриб чиқинг. Солиштирув жараёнини амалга оширинг ва мувофиқлаштиринг. Восита ва усуллардан фойдаланган ҳолда киритиш тўғрилигини текшириш учун маълумотлар асосида машқларни бажаринг. Топшириқ устида ишлашни бошланг. • Якуний сессия: ўқитишнинг дарсда ўтилган асосий жиҳатларини мустаҳкамланг. 	<p>Модулнинг спецификацияси.</p> <p>Ёзув тахтаси ва ручкалар.</p> <p>Тақдимотга изоҳлар.</p> <p>Банк текширувлари учун қайднома.</p> <p>Интернетга уланиш имконияти мавжуд компьютерлар.</p>

#	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
9	Банк текширувлари (2-қисм).	Ўқитувчи раҳбарлигида муҳокама қилиш ва мустақил ўқиш	<ul style="list-style-type: none"> • Кириш: ўқувчиларнинг материални тушунаётганларига ишонч ҳосил қилиш учун саволлар ва жавоблардан фойдаланиб, аввалги дарсни шарҳланг. • Мустақил бажариш учун машқ: ҳаракатлар мисоллари орқали банк кўчирмалари текширувини тайёрланг. Касса китоби ва банк кўчирмаларини кўриб чиқинг. Солиштирув жараёнини амалга оширинг ва мувофиқлаштиринг. Восита ва усуллардан фойдаланган ҳолда киритиш тўғрилигини текшириш учун маълумотлар асосида машқларни бажаринг. • Синфдаги муҳокама: бир-бирининг ишини эксперт тарзида баҳолаш; ҳисоб-китоблар ва усуллардаги хатоларни аниқлаш. • Яқуний сессия: ўқитишнинг дарсда ўтилган асосий жиҳатларини мустақамланг. 	<p>Модулнинг спецификацияси.</p> <p>Ёзув тахтаси ва ручкалар.</p> <p>Тақдимотга изоҳлар.</p> <p>Банк текширувлари учун қайднома.</p> <p>Касса китобини ва кўчирмаларни кўздан кечириш учун қайднома.</p> <p>Интернетга уланиш имконияти мавжуд компьютерлар.</p>
10	Синфдаги тестлар.	Ўқитувчи раҳбарлигида муҳокама қилиш ва мустақил ўқиш	<ul style="list-style-type: none"> • Ўқитувчи бошчилигидаги машқлар: синфдаги имтиҳон натижаларини кўздан кечириш ва хатоларни тўғрилаш. • Мустақил бажариш учун машқ: тестларни яқунлаш. • Синфдаги машқлар: тўғри ҳисоб-китобларни кўрсатиш мақсадида синфдаги тест мисолларидан фойдаланган ҳолда кўнгиллилардан ҳисоб-китобларни ишлаб чиқиш ва ёзув тахтасида намоиш этишни сўранг. • Ўқитувчи бошчилигидаги тақдимот: аввалги машқдаги асосий жиҳатларни ҳамда йўл қўйилган хатоларни кўрсатинг ва ўқувчиларнинг саволларига жавоб беринг. 	<p>Ёзув тахтаси ва ручкалар.</p> <p>Тестлар.</p>

#	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
11	Текшириш жараёни.	Ўқитувчи раҳбарлигида муҳокама қилиш ва мустақил ўқиш	<ul style="list-style-type: none"> • Кириш: аввалги дарсни шарҳланг. • Ўқитувчи бошчилигидаги тақдимот: молиявий ҳисобларни текшириш учун фойдаланиладиган восита ва усуллар. Ҳужжатлар тўплами таҳлилини, фойда ва зарарлар ҳамда баланс нима экани тўғрисидаги маълумотни, шунингдек қўлда бажариладиган ва автоматлашган текширишни жорий этиш зарур. • Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама: текширишнинг зарурлиги. • Жуфликда бажариладиган машқлар: балансдаги текшириш томонини аниқланг. Қандай тузатишлар киритилган ва нима учун? Агар дастурий таъминотдан фойдаланишнинг имкони бўлса, автоматик текширувни амалга оширинг. • Мустақил бажариш учун машқ: ликвид захиралар ва пул захиралари бўйича ҳисоблар ва балансларни текшириш учун машқни бажаринг. Қайдларни амалга оширинг. • Якуний сессия: ўқитишнинг дарсда ўтилган асосий жиҳатларини мустаҳкамланг. 	<p>Модулнинг спецификацияси.</p> <p>Ёзув тахтаси ва ручкалар.</p> <p>Тақдимотга изоҳлар.</p> <p>Банк текширувлари учун қайднома.</p> <p>Ҳисоб рақамларни ва қолдиқларни текшириш учун қайднома.</p> <p>Интернетга уланиш имконияти мавжуд компьютерлар.</p>

#	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
12	Тафовутлар.	Ўқитувчи раҳбарлигида муҳокама қилиш ва мустақил ўқиш	<ul style="list-style-type: none"> • Кириш: аввалги дарсни шарҳланг. • Ўқитувчи бошчилигидаги тақдимот: тафовутлар таҳлилини, жумладан тафовут нима экани ҳақидаги маълумотни ва тафовутларнинг ҳар хил турларини тақдим этинг. • Жуфликда бажариладиган машқлар: берилган маълумотлардаги тафовутларни аниқланг. • Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама: тафовутларни бартараф этиш учун зарур бўлган раҳбарият ҳаракатлари ва бундай ҳаракатлар натижасида келиб чиқадиган ҳар қандай муаммолар. • Синфдаги муҳокама: тафовутларни бартараф этиш учун ўқувчилардан раҳбарият ҳаракатларини мувофиқлаштиришни талаб этадиган мавзуга оид тадқиқотлар. • Мустақил бажариш учун машқ: турли тафовутларнинг ташкилотнинг ҳисоб рақамларига таъсирини шарҳлаш. Банк ҳисоб рақамларини текшириш орқали аниқланган тафовутларнинг қўшимча текширувини ўтказиш. Қайдларни ёзиш. • Якуний сессия: ўқитишнинг дарсда ўтилган асосий жиҳатларини мустаҳкамланг. 	<p>Модулнинг спецификацияси.</p> <p>Ёзув тахтаси ва ручкалар.</p> <p>Тақдимотга изоҳлар.</p> <p>Тафовутларни аниқлаш ва бартараф этиш учун қайднома.</p> <p>Интернетга уланиш имконияти мавжуд компьютерлар.</p> <p>Мавзуга оид тадқиқот.</p>

#	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
13	Назорат ва оралиқ ҳисоб рақамлари.	Ўқитувчи раҳбарлигида муҳокама қилиш ва мустақил ўқиш	<ul style="list-style-type: none"> • Кириш: ўқувчиларни материални тушунаётганларига ишонч ҳосил қилиш учун саволлар ва жавоблардан фойдаланиб, аввалги дарсни шарҳланг. • Ўқитувчи бошчилигидаги тақдимот: назорат ва оралиқ ҳисоб рақамлар, улар ёрдамида маблағларни бошқариш, молиявий ўтказмаларнинг самарали ҳисоботини таъминлаш, текшириш қандай ва нима учун ўтказилади. • Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама: оралиқ ва назорат ҳисоб рақамлари ўртасидаги ўзига хосликларни аниқлаш. • Кичик гуруҳлардаги муҳокама: маблағларни самарали бошқариш учун талабларни тақдим этинг ва муҳокама қилинг. • Мустақил бажариш учун машқ: амалиётларни оралиқ ҳисоб рақамлардан тўғри ҳисоб рақамларга ўтказишга доир машқларни бажаринг. Амалий машқларни бажаринг ва текширишни яқунланг. Қайдларни ёзинг. • Яқуний сессия: ўқитишнинг дарсда ўтилган асосий жиҳатларини мустаҳкамланг. 	<p>Модулнинг спецификацияси.</p> <p>Ёзув тахтаси ва ручкалар.</p> <p>Тақдимотга изоҳлар.</p> <p>Тафовутларни аниқлаш ва бартараф этиш учун қайднома.</p> <p>Интернетга уланиш имконияти мавжуд компьютерлар.</p>

#	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
14	Назорат ва оралиқ ҳисоб рақамларини текшириш.	Ўқитувчи раҳбарлигида муҳоама қилиш ва мустақил ўқиш.	<ul style="list-style-type: none"> • Кириш: аввалги дарсни шарҳланг. • Ўқитувчи бошчилигидаги тақдимот: назорат ва транзит ҳисоб рақамлар, текшириш нима учун ва қандай ўтказилади, дебитор ва кредиторларнинг назорат ҳисоб рақамлари ўртасидаги фарқи, дебитор ва кредиторлар ҳисобларининг тутган ўрни. • Ўқитувчи бошчилигидаги муҳоама: тақдимотдаги мисоллардан фойдаланган ҳолда, агар текшириш ўтказилмаса, вужудга келиши мумкин бўлган ҳар қандай муаммоларни аниқланг. • Кичик гуруҳлардаги муҳоама: оралиқ ва назорат ҳисоб рақамларига доир мавзуга оид тадқиқотлардан фойдаланиб, агар текшириш ўтказилмаса жараённинг ҳар бир босқичида нима юз бериши мумкинлиги тўғрисидаги диаграммани тайёрланг. Гуруҳнинг жавобларларини таққослаган ва қарама-қарши қўйган ҳолда, натижаларни синфнинг қолган қисми билан ўртоқлашинг. • Мустақил бажариш учун машқ: машқларни бажариб, текширишни амалга ошириш жараёнини аслидек қилиб тиклаш. • Яқуний сессия: ўқитишнинг дарсда ўтилган асосий жиҳатларини мустаҳкамланг. 	<p>Модулнинг спецификацияси.</p> <p>Ўзув тахтаси ва ручкалар.</p> <p>Тақдимотга изоҳлар.</p> <p>Текшириш учун қайднома.</p> <p>Назорат ва оралиқ ҳисоб рақамларнинг мавзуга оид тадқиқоти.</p> <p>Интернетга уланиш имконияти мавжуд компьютерлар.</p>

#	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
15	Якуний ҳисоботларни тайёрлаш.	Ўқитувчи раҳбарлигида муҳокама қилиш ва мустақил ўқиш	<ul style="list-style-type: none"> • Кириш: аввалги дарсни шарҳлаш ва А ўқитиш мақсадига хулоса ясаш. • Ўқитувчи бошчилигидаги тақдимот: яқка тартибдаги тадбиркор, шерикчилик ва масъулияти чекланган компаниялар ўртасидаги фарқлар. Шерикчилик ва масъулияти чекланган компаниялар учун молиявий ҳисоботларни тақдим этиш (МҲТ) ва якуний ҳисоботларни тайёрлаш. Шерикчиликнинг ажратилган ассигнованияларининг ҳисоби ва фойдани тақсимлаш. • Мустақил бажариш учун машқ: маълумотлардан фойдаланган ҳолда, шерикчилик (ширкат) ва масъулияти чекланган жамиятлар учун якуний ҳисоботларни ва шерикчиликлар учун ажратилган ассигнованияларининг ҳисобини тайёрланг. • Якуний сессия: ўқитишнинг дарсда ўтилган асосий жиҳатларини мустаҳкамланг. 	<p>Модулнинг спецификацияси.</p> <p>Ёзув тахтаси ва ручкалар.</p> <p>Тақдимотга изоҳлар.</p> <p>Молиявий ҳисоботларни тузиш учун қайднома.</p> <p>Интернетга уланиш имконияти мавжуд компьютерлар.</p>
16	Якуний ҳисоботлар.	МЎ/ЁМТ.	<ul style="list-style-type: none"> • Кириш: аввалги дарснинг охирида берилган уй вазифаси бўйича қайта алоқа. • Мустақил бажариш учун машқ: молиявий ўтказмалар ҳисоботини, тузатишларни, ҳисоблашни, текширишни ва якуний ҳисоботларни тайёрлашни ўз ичига оладиган мавзуга оид тадқиқотларни ишлаб чиқинг. • Ўқитувчи бошчилигидаги машқлар: зарурат туғилганда яқка тартибдаги ва умумий қўллаб-қувватлашни кўрсатинг. • Якуний сессия: ўқитишнинг дарсда ўтилган асосий жиҳатларини мустаҳкамланг 	Молиявий амалиётлар ҳисобининг мавзуга оид тадқиқоти.

#	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
17 – 19	Амалий топшириқлар х 3.	МЎ/ЁМТ.	<ul style="list-style-type: none"> • Кириш: аввалги дарсни шарҳлаш. Банк ҳисоб рақамларини ва ҳисоботлар солиштирувини такроран текшириш. Топшириқларга ўтиш. • Ўқитувчи бошчилигидаги машқлар: гуруҳли ва якка ҳолдаги муаммоларни ҳамда умумий масалаларни ҳал этиш. Баҳолаш учун қайта алоқани таъминлаш. • Мустақил бажариш учун машқ: қайси мавзулар / амалиётлар / назарияларни такрорлаш зарурлигини кўрсатинг. Баҳолашга доир талабларнинг бажарилишини текширинг. Топшириқ устида ишлашни яқунланг. • Яқуний сессия: ўқитишнинг дарсда ўтилган асосий жиҳатларини мустақамланг. 	<p>Модулнинг спецификацияси.</p> <p>Ёзув тахтаси ва ручкалар.</p> <p>Баҳолашлар ёзуви учун ҳужжатлар тўплами.</p> <p>Интернетга уланиш имконияти мавжуд компьютерлар.</p>
20	Модулнинг шарҳи.	МЎ.	<ul style="list-style-type: none"> • Кириш: аввалги дарснинг охирида тақдим этилган, текширилган топшириқларни тарқатиш. Топшириқ тўғрисидаги тақризларни тақдим этиш, ҳар қандай кенг тарқалган хатолар ва масалаларни бартараф этиш. • Мустақил бажариш учун машқ: топшириқни бажаринг ва керакли ўзгаришларни киритинг. • Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама: модулнинг шарҳи. Модулнинг ижобий жиҳатлари тўғрисидаги ўқувчиларнинг тақризларини олинг, жумладан ўқитишнинг асосий жиҳатларини, улар мураккаб деб ҳисоблаган ҳар қандай мавзуларни, дарслар суръати, ўқитувчининг қўллаб-қувватлашидан фойдаланиш, Ресурслар сифати, топшириқларнинг бажарилиш муддатлари каби модулни яхшилашга доир ҳар қандай таклифлар. 	<p>Модулнинг спецификацияси.</p> <p>Ёзув тахтаси ва ручкалар.</p> <p>Модулни кўздан кечириш андозаси.</p> <p>Тақдимот слайдлари ва ўқитувчининг қайдлари.</p>

Дарс режаси

Малака	Pearson ВТЕС Ўзбекистон 5-даража Бухгалтерия ҳисоби ва молия соҳаси бўйича Профессional Диплом
Модул	1-модул: Молиявий транзакцияларни ҳисобга олиш
Дарс рақами	1 (180 дақиқа)

Дарс мақсадлари	<p>Ўқувчи қуйидагиларни бажара олиши лозим:</p> <ul style="list-style-type: none"> • модулнинг қамров соҳасини тушуниш. • тадбиркорлик фаолияти ва молиявий ҳисоб ўртасидаги алоқани тушуниш. • нима учун корхона молиявий ҳисобни юритишини тушуниш.
------------------------	--

Ресурслар рўйхати	<ul style="list-style-type: none"> • Модулнинг спецификацияси. • Ёзув тахтаси ва ручкалар. • ТС: Тақдимот слайдлари ва ўқитувчининг қайдлари. • МР: Активлар, мажбуриятлар ва маблағлар. • ФШ: Ўқитишнинг асосий натижалари ёзуви.
--------------------------	--

Калитлар: **МР:** машқлар рўйхати; **ФШ:** форма шаблони; **ТС:** тақдимот слайдлари.

Машқлар	Ўқитувчининг қайдлари
<p>Бошланғич машқ (10 дақиқа)</p>	<p>Кириш:</p> <ul style="list-style-type: none"> • бухгалтерия ҳисобининг роли. • модулнинг мазмунига кириш. • модулни баҳолашга кириш.
<p>Асосий машқлар (150 дақиқа)</p>	<p>Жуфликда бажариладиган машқлар: «Сиз билан танишиш», бунда ҳар бир ўқувчи ўз иш тажрибаси билан ўртоқлашади ва ўзининг жорий ишини таърифлаб беради.</p> <p>Ўқитувчи бошчилигидаги синфдаги муҳокама: ҳар қандай аввалги иш / ўқиш / билим тажрибасини баҳоланг.</p> <p>Ўқитувчи бошчилигидаги тақдимот: молиявий вазифаларга нисбатан бизнеснинг асосий вазифалари.</p> <p>Синфдаги ва кичик гуруҳлардаги муҳокама: ташкилот амалга ошириши мумкин бўлган молиявий амалиётларни санаб ўтинг ва муҳокама қилинг ва мазкур молиявий амалиётларни аввал кўриб ўтилган молиявий фаолият билан боғланг.</p> <p>Ўқитувчи бошчилигидаги тақдимот: активлар, мажбуриятлар ва маблағлар мавзусига кириш.</p> <p>Мустақил бажариш учун машқ: активлар, мажбуриятлар ва маблағларни фарқлашга доир машқни яқунланг.</p>
<p>Яқуний машқ (20 дақиқа)</p>	<p>Яқуний сессия: ўқитишнинг дарсда ўтилган асосий жиҳатларини мустаҳкамланг.</p>
<p>Мустақил ўқиш / уй вазифаси</p>	<p>Мустақил бажариш учун машқ:</p> <ul style="list-style-type: none"> • қайдларни ёзиш. • активлар, пассивлар ва ўзига тегишли маблағларнинг таснифи, шунингдек бухгалтерия ҳисоби тенгламасидан фойдаланиш орқали сонли машқлар билан боғлиқ қўйилган вазифаларни яқунлаш. • қўлда бажариладиган ва электрон ҳисоб тизимларининг ўзига хосликларини солиштириш ва таққослаш

Дарс режаси

Малака	Pearson ВТЕС Ўзбекистон 5-даража Бухгалтерия ҳисоби ва молия соҳаси бўйича Профessional Диплом
Модул	1-модул: Молиявий транзакцияларни ҳисобга олиш
Дарс рақами	2 (180 дақиқа)

Дарс мақсадлари	<p>Ўқувчи қуйидагиларни бажара олиши лозим:</p> <ul style="list-style-type: none"> бухгалтерия тенгламаси ва унинг алоҳида таркибий қисмларини тушунтириш. икки ёқлама ёзув тамойили ва Т-ҳисоб дан фойдаланиб бухгалтерия ўтказмаларини бажариш (дебетлар ва кредитлар). сотишлар, харидлар, нақд пул тўловлари ва тушумларга доир асосий амалиётларни ёзиш бўйича машқни бажариш.
------------------------	--

Ресурслар рўйхати	<ul style="list-style-type: none"> Модулнинг спецификацияси. Ёзув тахтаси ва ручкалар. ТС: Тақдимот слайдлари ва ўқитувчининг қайдлари. МР: Молиявий амалиётлар. МР: Сотишлар, харидлар, нақд пул тўловлари ва тушумлар соҳасидаги асосий амалиётларнинг ҳисоби. МР: активлар, мажбуриятлар ва маблағларнинг ва бухгалтерия тенгламасидан фойдаланган ҳолда сонли машқларнинг таснифи.
Калитлар: МР: машқлар рўйхати; ФС: форма шаблони; ТС: тақдимот слайдлари.	

Машқлар	Ўқитувчининг қайдлари
Бошланғич машқ (10 дақиқа)	Кириш: бухгалтерия ҳисоби ва меъёрий-ҳуқуқий базанинг тутган ўрни.
Асосий машқлар (150 дақиқа)	<p>Жуфликда бажариладиган машқлар: «Сиз билан танишиш», бунда ҳар бир ўқувчи ўз иш тажрибаси билан ўртоқлашади ва ўзининг жорий ишини таърифлаб беради.</p> <p>Ўқитувчи бошчилигидаги тақдимот:</p> <ul style="list-style-type: none"> • икки ёқлама ёзув тамойили. • дебет ва кредит амалиётлари қандай қайд этилиши. • бухгалтерия бош китоби ва бухгалтерия бош китобининг ҳисоблари тўғрисида сўзлаб беринг. • топшириқларни тарқатинг. <p>Мустақил бажариш учун машқ:</p> <ul style="list-style-type: none"> • қўлда бажариладиган ва электрон ҳисоб тизимларининг ўзига хосликларини солиштириш ва таққослаш. • сотишлар, харидлар, нақд пул тўловлари ва тушумлар соҳасидаги асосий амалиётларнинг ёзуви учун машқларни бажариш. <p>Жуфликда бажариладиган машқлар: бухгалтерия ҳисобининг компьютерлашган тизимига иккита мисол топинг ва молиявий ҳисобни тартибга солишнинг ташкилотга таъсирини кўриб чиқинг.</p> <p>Ўқитувчи бошчилигидаги тақдимот: активлар, мажбуриятлар ва маблағлар мавзусига кириш, жумладан:</p> <ul style="list-style-type: none"> • бухгалтерия тенгламаси икки ёқлама ёзув тизими билан қандай боғлиқлиги тўғрисидаги маълумот. • икки ёқлама ёзув тамойили, автономлик ва бухгалтерия ҳисоби тенгламаси тамойили, шунингдек ўтказмаларнинг бухгалтерия тенгламасига таъсирини тушунтириш ва намойиш этиш. • дебет ва кредит ёзувларини қайд этиш. • бухгалтерия бош китоби ва бухгалтерия бош китобининг ҳисоблари нима экани ҳақида маълумот.

Машқлар	Ўқитувчининг қайдлари
	Мустақил бажариш учун машқ: сотишлар, харидлар, нақд пул тўловлари ва тушумлар соҳасидаги асосий амалиётларнинг ёзуви учун машқларни бажариш.
Якуний машқ (20 дақиқа)	Якуний сессия: ўқитишнинг дарсда ўтилган асосий жиҳатларини мустаҳкамланг.
Мустақил ўқиш / уй вазифаси	<p>Мустақил бажариш учун машқ:</p> <ul style="list-style-type: none"> • қайдларни ёзиш ва таянч атамалар глоссарийсини юритиш. • активлар, пассивлар ва ўзига тегишли маблағларнинг таснифи, шунингдек бухгалтерия ҳисоби тенгламасидан фойдаланиш орқали сонли машқлар билан боғлиқ қўйилган вазифаларни яқунлаш. • қўлда бажариладиган ва электрон ҳисоб тизимларининг ўзига хосликларини солиштириш ва таққослаш.

Дарс режаси

Малака	Pearson BTEC Ўзбекистон 5-даража Бухгалтерия ҳисоби ва молия соҳаси бўйича Профессional Диплом
Модул	1-модул: Молиявий транзакцияларни ҳисобга олиш
Дарс рақами	3 (180 дақиқа)

Дарс мақсадлари	<p>Ўқувчи қуйидагиларни бажара олиши лозим:</p> <ul style="list-style-type: none"> бухгалтерия бош китобининг ҳисобларидаги маълумотлар асосида дастлабки синов балансини тузиш. синов балансини тузиш учун амалий машқларни бажариш.
------------------------	---

Ресурслар рўйхати	<ul style="list-style-type: none"> Модулнинг спецификацияси. Ёзув тахтаси ва ручкалар. ТС: Тақдимот слайдлари ва ўқитувчининг қайдлари. МР: Синов баланси машқлар ёрдамида ишлаб чиқилган.
--------------------------	--

Калитлар: **МР:** машқлар рўйхати; **ФС:** форма шаблони; **ТС:** тақдимот слайдлари.

Машқлар	Ўқитувчининг қайдлари
Бошланғич машқ (10 дақиқа)	<p>Кириш: аввалги дарсни такрорлаш, жумладан:</p> <ul style="list-style-type: none"> • бухгалтерия терминологияси – активлар, пассивлар, маблағлар (ўзига тегишли маблағлар). • бухгалтерия тенгламаси. • икки ёқлама ёзув тамойиллари.
Асосий машқлар (150 дақиқа)	<p>Ўқитувчи бошчилигидаги тақдимот: синов балансининг вазифалари хусусида, жумладан:</p> <ul style="list-style-type: none"> • синов балансини тайёрлаш. • амалиётлар оқими, бухгалтерия китоблари, амалиётларнинг икки ёқлама ёзув таъсири. • синов балансидаги амалиётлар ҳисобининг намоиши. <p>Мустақил бажариш учун машқ: бухгалтерия бош китобининг ҳисоби маълумотлари асосида синов балансини тузиш, жумладан:</p> <ul style="list-style-type: none"> • амалиётлар оқимини аввалги ҳолатда тиклаш. • Дастлабки синов балансларини тузиш учун амалий машқларнинг яқунланиши.
Яқуний машқ (20 дақиқа)	<p>Яқуний сессия: ўқитишнинг дарсда ўтилган асосий жиҳатларини мустаҳкамланг.</p>
Мустақил ўқиш / уй вазифаси	<p>Мустақил бажариш учун машқ: ўз қайдларини ёзиш, жумладан ишлаб чиқилган мисоллар орқали синов балансини тайёрлаш.</p>

Дарс режаси

Малака	Pearson BTEC Ўзбекистон 5-даража Бухгалтерия ҳисоби ва молия соҳаси бўйича Профессional Диплом
Модул	1-модул: Молиявий транзакцияларни ҳисобга олиш
Дарс рақами	4 (180 дақиқа)

Дарс мақсадлари	<p>Ўқувчи қуйидагиларни бажара олиши лозим:</p> <ul style="list-style-type: none"> • харажатлар ва даромадлар ҳисобини ўз ичига оловчи вазифаларни бажариш. • синов балансидаги амалиётлар ҳисобини намойиш этиш. • икки ёқлама ёзув тизимидан фойдаланиб бухгалтерия китобида ҳисобларни тузишга доир машқларни бажариш. • бухгалтерия бош китоби ҳисоблари ёрдамида синов балансини тузиш.
------------------------	--

Ресурслар рўйхати	<ul style="list-style-type: none"> • Модулнинг спецификацияси. • Ёзув тахтаси ва ручкалар. • ТС: Тақдимот слайдлари ва ўқитувчининг қайдлари. • МР: Харажатлар ва даромадлар ҳисобини ўз ичига оловчи вазифалар. • МР: Икки ёқлама ёзув тизимидан фойдаланиб бухгалтерия китобидаги ҳисобларни тузишга доир машқларни бажариш. • МР: Бухгалтерия бош китоби ҳисоблари ёрдамида синов балансини тузиш.
--------------------------	---

Калитлар: **МР:** машқлар рўйхати; **ФС:** форма шаблони; **ТС:** тақдимот слайдлари.

Машқлар	Ўқитувчининг қайдлари
Бошланғич машқ (10 дақиқа)	<p>Кириш: ўқувчилардан аввалги дарснинг охирида берилган уй вазифаларига ўз жавобларини тақдим этишларини сўранг.</p> <p>Самарали амалиётни аниқлаш ва ўқувчилар дуч келган ҳар қандай масалалар ва муаммоларни ҳал этиш.</p>
Асосий машқлар (150 дақиқа)	<p>Ўқитувчи бошчилигидаги тақдимот: харажатлар ва даромадлар ҳисоби, ҳисобларни баланслаш ва синов балансини чиқариш учун бажарилган ёзувларни тушунтиринг ва намойиш этинг.</p> <p>Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама: концепцияни тўғри тушунишлари учун ҳар бир ўқувчининг баҳс-мунозарадаги иштирокини таъминлаш.</p> <p>Мустақил бажариш учун машқ:</p> <ul style="list-style-type: none"> • икки ёқлама ёзув тизимидан фойдаланиб бухгалтерия китобидаги ҳисобларни тузишга доир машқларни бажариш. • бухгалтерия бош китоби ҳисоблари ёрдамида синов балансини тузиш. <p>Синфдаги муҳокама: синов балансининг мисолларини тақдим этиш ва улар билан ўртоқлашиш. Бир-бирларининг ишларини баҳолаш ва тўғрилаш.</p>
Якуний машқ (20 дақиқа)	<p>Якуний сессия: ўқитишнинг дарсда ўтилган асосий жиҳатларини мустаҳкамланг.</p>
Мустақил ўқиш / уй вазифаси	<p>Мустақил бажариш учун машқ:</p> <ul style="list-style-type: none"> • қайдларни ёзиш ва таянч атамалар глоссарийсини юритиш. • дарсдан олинган машқни бажариш.

Дарс режаси

Малака	Pearson BTEC Ўзбекистон 5-даража Бухгалтерия ҳисоби ва молия соҳаси бўйича Профessional Диплом
Модул	1-модул: Молиявий транзакцияларни ҳисобга олиш
Дарс рақами	5 (180 дақиқа)

Дарс мақсадлари	<p>Ўқувчи қуйидагиларни бажара олиши лозим:</p> <ul style="list-style-type: none"> • молиявий ҳисоб ва ҳисобот ўртасидаги фарқни тушуниш. • молиявий ҳисоботларнинг асосий турларини ва улар ўз ичига оладиган молиявий маълумотларни тушунтириш. • асосий молиявий ҳисоботларнинг тузилмасини тушуниш. • берилган синов баланси ёрдамида яқка тартибдаги тадбиркор учун фойда ва зарарлар ҳисоботини ва бухгалтерия балансини тайёрлаш.
------------------------	--

Ресурслар рўйхати	<ul style="list-style-type: none"> • Модулнинг спецификацияси. • Ёзув тахтаси ва ручкалар. • ТС: Такдимот слайдлари ва ўқитувчининг қайдлари. • ФШ: Фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботлар. • МР: Хусусий сектор тижорат ташкилотларининг мавзуга оид тадқиқотлари.
--------------------------	---

Калитлар: **МР:** машқлар рўйхати; **ФШ:** форма шаблони; **ТС:** такдимот слайдлари.

Машқлар	Ўқитувчининг қайдлари
Бошланғич машқ (10 дақиқа)	<p>Кириш: ўқувчилардан аввалги дарснинг охирида берилган уй вазифаларига ўз жавобларини тақдим этишларини сўранг.</p> <p>Самарали амалиётни аниқлаш ва ўқувчилар дуч келган ҳар қандай масалалар ва муаммоларни ҳал этиш.</p>
Асосий машқлар (150 дақиқа)	<p>Ўқитувчи бошчилигидаги тақдимот: молиявий ҳисоботлар ва қайдномалар ўртасидаги фарқни тушунтиринг, жумладан:</p> <ul style="list-style-type: none"> • ҳисоботларнинг ҳар хил турлари – молиявий ҳисобот, фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисобот, бухгалтерия баланси. • МҲХС стандартлари – қўлланиш мақсади ва соҳаси. • молиявий ҳисоботлар формати (IAS1-молиявий ҳисоботни ёки шунга ўхшаш ҳисоботни тақдим этиш). <p>Жуфликда бажариладиган машқлар: мавзуга оид тадқиқотлардан фойдаланиб молиявий ҳисоботлар ва молиявий ведомостлар ўртасидаги фарқни санаб ўтиш ва муҳокама қилиш.</p> <p>Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама: ўқувчиларнинг молиявий ҳисоботлар ва молиявий ведомостлар ўртасидаги фарқни тушунишларини мустаҳкамланг.</p> <p>Мустақил бажариш учун машқ:</p> <ul style="list-style-type: none"> • берилган синов баланси ёрдамида якка тартибдаги тадбиркор учун молиявий ҳисоботни тайёрлаш. • молиявий ҳисоботни тайёрлаш учун ишчи варақларни тўлдириш ва ёзувларни бажариш.
Якуний машқ (20 дақиқа)	<p>Якуний сессия: ўқитишнинг дарсда ўтилган асосий жиҳатларини мустаҳкамланг.</p>
Мустақил ўқиш / уй вазифаси	<p>Мустақил бажариш учун машқ:</p> <ul style="list-style-type: none"> • қайдларни ёзиш • берилган синов баланси ёрдамида якка тартибдаги тадбиркор учун молиявий ҳисоботни тайёрлаш учун кейинги машқларни бажариш.

Дарс режаси

Малака	Pearson BTEC Ўзбекистон 5-даража Бухгалтерия ҳисоби ва молия соҳаси бўйича Профessional Диплом
Модул	1-модул: Молиявий транзакцияларни ҳисобга олиш
Дарс рақами	6 (180 дақиқа)

Дарс мақсадлари	<p>Ўқувчи қуйидагиларни бажара олиши лозим:</p> <ul style="list-style-type: none"> • тузатишлар киритилган якуний ҳисоботларни тайёрлаш (ҳисоблаш, олдиндан тўлов, муддати ўтган қарздорлик, амортизация).
------------------------	---

Ресурслар рўйхати	<ul style="list-style-type: none"> • Модулнинг спецификацияси. • Ёзув тахтаси ва ручкалар. • ТС: Тақдимот слайдлари ва ўқитувчининг қайдлари. • МР: Берилган рўйхатдан жумладан фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботлар ва бухгалтерия баланслари учун андозалардан тузатишлар турларини аниқлаш учун жуфт бўлиб ишлаш, • МР: Тузатишлар киритилган қуйидаги якуний ҳисоботларни тайёрлаш: <ul style="list-style-type: none"> ○ ҳисоблашларни; ○ олдиндан тўловни; ○ умидсиз қарзларни (қайтмайдиган қарз) ; ○ амортизацияни.
Калитлар: МР: машқлар рўйхати; ФС: форма шаблони; ТС: тақдимот слайдлари.	

Машқлар	Ўқитувчининг қайдлари
Бошланғич машқ (10 дақиқа)	<p>Кириш: ўқувчилардан аввалги дарснинг охирида берилган уй вазифаларига ўз жавобларини тақдим этишларини сўранг.</p> <p>Самарали амалиётни аниқлаш ва ўқувчилар дуч келган ҳар қандай масалалар ва муаммоларни ҳал этиш.</p>
Асосий машқлар (150 дақиқа)	<p>Ўқитувчи бошчилигидаги тақдимот:</p> <ul style="list-style-type: none"> • тузатишлар нима ва улар қачон бажарилган – ҳисоблаш, олдиндан тўлов, умидсиз қарздорлик, амортизация. • синов балансида тузатишлар ҳисоб-китобини қандай бажарилади. <p>Жуфликда бажариладиган машқлар: берилган рўйхатдан тузатишларнинг турларини аниқлаш.</p> <p>Мустақил бажариш учун машқ: тузатишлар киритилган якуний ҳисоботларни тайёрлаш (ҳисоблаш, олдиндан тўлов, умидсиз қарздорлик, амортизация).</p> <p>Синфдаги муҳокама: бир-бирларининг ишларини эксперт тарзида баҳолаш; ҳисоб-китоблардаги ва усуллардаги хатоларни аниқлаш.</p> <p>Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама: ўқувчилар берилган машқлар бўйича ўз ечимларини тақдим этадилар ва хатоларни, усулларни, ҳисоб-китобларни муҳокама қиладилар.</p>
Якуний машқ (20 дақиқа)	<p>Якуний сессия: ўқитишнинг дарсда ўтилган асосий жиҳатларини мустаҳкамланг.</p>
Мустақил ўқиш / уй вазифаси	<p>Мустақил бажариш учун машқ:</p> <ul style="list-style-type: none"> • қайдларни ёзиш • тузатишлар билан боғлиқ бўлган кейинги машқларни бажариш.

Дарс режаси

Малака	Pearson BTEC Ўзбекистон 5-даража Бухгалтерия ҳисоби ва молия соҳаси бўйича Профессional Диплом
Модул	1-модул: Молиявий транзакцияларни ҳисобга олиш
Дарс рақами	7 (180 дақиқа)

Дарс мақсадлари	<p>Ўқувчи қуйидагиларни бажара олиши лозим:</p> <ul style="list-style-type: none"> • бухгалтерияга доир машқларни бажаришда фойдаланиладиган ёндашувни тушуниш. • бухгалтерия ҳисоби бўйича мавзуга оид тадқиқотнинг талабларини тушуниш.
------------------------	---

Ресурслар рўйхати	<ul style="list-style-type: none"> • Модулнинг спецификацияси. • Ёзув тахтаси ва ручкалар. • ТС: тақдимот слайдлари ва ўқитувчининг қайдлари. • МР: молиявий амалиётлар ҳисоби учун топшириқ.
Калитлар: МР: машқлар рўйхати; ФШ: форма шаблони; ТС: тақдимот слайдлари.	

Машқлар	Ўқитувчининг қайдлари
Бошланғич машқ (10 дақиқа)	Кириш: бухгалтерия ҳисоби, конвенция ва стандартларнинг тамойилларини такрорланг.
Асосий машқлар (150 дақиқа)	<p>Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама: топшириқ ва уни топшириш форматига нисбатан талаблар тўғрисида.</p> <p>Ўқитувчи бошчилигидаги машқлар: умумий шу жумладан гуруҳ ва якка ҳолдаги масалалар ва муаммоларни ҳал этиш учун саволлар ва жавоблардан фойдаланинг.</p> <p>Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама: ўқувчиларнинг чиқишларини кўздан кечириш.</p> <p>Мустақил бажариш учун машқ:</p> <ul style="list-style-type: none"> • такрорлаш зарур бўлган мавзулар /амалиётлар/ назарияларни ажратиб кўрсатиш. • баҳолашга нисбатан талабларнинг бажарилишини текшириш. • якка тартибдаги тадбиркорлар, шерикчиликлар ва масъулияти чекланган жамиятлар учун якуний ҳисоботларни тайёрлаш ҳамда якунлаш мақсадида макет, ёпиқ китоб, синфдаги тест машқлари устида иш олиб бориш.
Якуний машқ (20 дақиқа)	Якуний сессия: ўқитишнинг дарсда ўтилган асосий жиҳатларини мустаҳкамланг.
Мустақил ўқиш / уй вазифаси	<p>Мустақил бажариш учун машқ:</p> <ul style="list-style-type: none"> • қайдларни ёзиш. • активлар, пассивлар ва ўзига тегишли маблағлар, шунингдек бухгалтерия тенгламасидан фойдаланган ҳолда сонли машқларнинг таснифи билан боғлиқ белгиланган вазифаларни якунлаш. • ҳисобнинг қўлда бажариладиган ва электрон тизимларининг ўзига хосликларини солиштириш ва таққослаш.

Дарс режаси

Малака	Pearson BTEC Ўзбекистон 5-даража Бухгалтерия ҳисоби ва молия соҳаси бўйича Профessional Диплом
Модул	1-модул: Молиявий транзакцияларни ҳисобга олиш
Дарс рақами	8 (180 дақиқа)

Дарс мақсадлари	<p>Ўқувчи қуйидагиларни бажара олиши лозим:</p> <ul style="list-style-type: none"> • банк ҳисоб рақамларини текширишнинг зарурлигини тушунтириш. • банк ҳисоб рақамларини текшириш жараёнини тушунтириш. • банк ҳисоб рақамларини текширишнинг терминологиясидан фойдаланиш. • банк ҳисоб рақамларини текширишни якунлаш. • банк ҳисоб рақамларини текшириш билан боғлиқ муаммоларни аниқлаш ва ҳал этиш.
------------------------	--

Ресурслар рўйхати	<ul style="list-style-type: none"> • Модулнинг спецификацияси. • Ёзув тахтаси ва ручкалар. • ТС: Тақдимот слайдлари ва ўқитувчининг қайдлари. • МР: банк ҳисоб рақамларини текширишга доир вазифалар.
Калитлар: МР: машқлар рўйхати; ФС: форма шаблони; ТС: тақдимот слайдлари.	

Машқлар	Ўқитувчининг қайдлари
Бошланғич машқ (10 дақиқа)	<p>Кириш: ўқувчилардан аввалги дарснинг охирида берилган уй вазифаларига ўз жавобларини тақдим этишларини сўранг.</p> <p>Самарали амалиётни аниқлаш ва ўқувчилар дуч келган ҳар қандай масалалар ва муаммоларни ҳал этиш.</p>
Асосий машқлар (150 дақиқа)	<p>Ўқитувчи бошчилигидаги тақдимот:</p> <ul style="list-style-type: none"> • топшириқларни тарқатинг. • ҳар бир вазифа ва талабларни кўриб чиқинг. • топшириш санасини мувофиқлаштиринг. • ўқувчилар томонидан берилган ҳар қандай саволларни кўриб чиқинг. <p>Ўқитувчи бошчилигидаги тақдимот: банк текшируви бўйича:</p> <ul style="list-style-type: none"> • банк ҳисоб рақамларини текшириш зарурияти. • банк ҳисоб рақамларини текшириш жараёни. • банк ҳисоб рақамларини текшириш терминологияси. • банк ҳисоб рақамларини текшириш билан боғлиқ муаммолар. <p>Жуфликда бажариладиган машқлар: банк ҳисоб рақамларини оддий текшириш орқали белгиланган вазифаларни бажариш. Банк ҳисоб рақамларини текширишнинг устунликларини санаб ўтиш ва муҳокама қилиш.</p> <p>Мустақил бажариш учун машқ: банк ҳисоб рақамларини текширишга доир мураккаб вазифаларни бажариш, жумладан эҳтимолий муаммоларни аниқлаш ва ҳал этиш.</p> <p>Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама: текширишнинг муҳимлиги. Ўқувчилардан берилган машқларни бажариш учун ўз ечимларини тақдим этишларини ва хатолар, усуллар ҳамда ҳисоб-китобларни муҳокама қилишларини сўранг.</p>
Якуний машқ (20 дақиқа)	<p>Якуний сессия: ўқитишнинг дарсда ўтилган асосий жиҳатларини мустаҳкамланг.</p>

Машқлар	Ўқитувчининг қайдлари
<p>Мустақил ўқиш / уй вазифаси</p>	<p>Мустақил бажариш учун машқ:</p> <ul style="list-style-type: none"> • қайдларни ёзиш. • касса китоблари ҳамда банк кўчирмаларини кўриб чиқиш ва текширишни амалга ошириш. • восита ва усуллардан фойдаланиб маълумотларни киритишнинг тўғрилигини текшириш учун маълумотлар асосида машқни бажариш. • топшириқ устида ишлашни бошлаш.

Дарс режаси

Малака	Pearson ВТЕС Ўзбекистон 5-даража Бухгалтерия ҳисоби ва молия соҳаси бўйича Профessional Диплом
Модул	1-модул: Молиявий транзакцияларни ҳисобга олиш
Дарс рақами	9 (180 дақиқа)

Дарс мақсадлари	<p>Ўқувчи қуйидагиларни бажара олиши лозим:</p> <ul style="list-style-type: none"> • текширишни ўтказиш учун касса китоби ва банк кўчирмаларини кўриб чиқиш. • банк ҳисоб рақамларини текширишга доир кўчирмани тайёрлаш.
------------------------	---

Ресурслар рўйхати	<ul style="list-style-type: none"> • Модулнинг спецификацияси. • Ёзув тахтаси ва ручкалар. • ТС: Тақдимот слайдлари ва ўқитувчининг қайдлари. • МР: Касса китоби ва банк кўчирмаларини текшириш. • МР: Банк ҳисоб рақамларини текширишга доир кўчирма.
--------------------------	--

Калитлар: **МР:** машқлар рўйхати; **ФС:** форма шаблони; **ТС:** тақдимот слайдлари.

Машқлар	Ўқитувчининг қайдлари
Бошланғич машқ (10 дақиқа)	Кириш: ўқувчиларнинг мавзуни тушунишларини мустаҳкамлаш учун саволлар ва жавоблардан фойдаланиб, аввалги дарсни кўздан кечириш.
Асосий машқлар (150 дақиқа)	<p>Мустақил бажариш учун машқ:</p> <ul style="list-style-type: none"> • амалиётлар мисолларидан фойдаланиб банк ҳисоб рақамларини текшириш тўғрисидаги ҳисоботни тайёрлаш. • касса китоби ва банк кўчирмаларини текшириш. • восита ва усуллардан фойдаланиб, киритиладиган маълумотларнинг аниқлигини текшириш учун маълумотлар асосида машқларни бажариш. <p>Синфдаги муҳокама: бир-бирларининг ишларини эксперт тарзида баҳолаш; ҳисоб-китоблар ва усуллардаги хатоларни аниқлаш.</p> <p>Якуний сессия: фаолиятнинг асосий ўқитиш жиҳатларини мустаҳкамланг.</p>
Якуний машқ (20 дақиқа)	Якуний сессия: ўқитишнинг дарсда ўтилган асосий жиҳатларини мустаҳкамланг.

Дарс режаси

Малака	Pearson ВТЕС Ўзбекистон 5-даража Бухгалтерия ҳисоби ва молия соҳаси бўйича Профессional Диплом
Модул	1-модул: Молиявий транзакцияларни ҳисобга олиш
Дарс рақами	10 (180 дақиқа)

Дарс мақсадлари	<p>Ўқувчи қуйидагиларни бажара олиши лозим:</p> <ul style="list-style-type: none"> • амалий бизнес-контекстдаги молиявий амалиётларни қайд этиш билан боғлиқ бўлган вазифалар тўпламини бажариш.
------------------------	---

Ресурслар рўйхати	<ul style="list-style-type: none"> • Модулнинг спецификацияси. • Ёзув тахтаси ва ручкалар. • ТС: Тақдимот слайдлари ва ўқитувчининг қайдлари. • МР: Қоғоздаги тест саволлари.
Калитлар: МР: машқлар рўйхати; ФС: форма шаблони; ТС: тақдимот слайдлари.	

Машқлар	Ўқитувчининг қайдлари
Бошланғич машқ (10 дақиқа)	Кириш: тест саволлари билан таништириш ва ўқувчилар томонидан кўтарилган ҳар қандай масалаларга аниқлик киритиш.
Асосий машқлар (150 дақиқа)	<p>Мустақил бажариш учун машқ: тестларни яқунлаш.</p> <p>Синфдаги машқлар: алоҳида ўқувчилардан ўзларининг назорат саволларга берган жавобларини муҳокама қилишларини сўранг. Самарали амалиётни аниқланг, хатоларни тўғриланг ва кенг тарқалган хатоларни белгиланг.</p> <p>Ўқитувчи бошчилигидаги тақдимот: асосий жиҳатларни ва аввалги дарсда йўл қўйилган хатоларни кўрсатинг ҳамда ўқувчиларнинг саволларига жавоб беринг.</p>
Яқуний машқ (20 дақиқа)	Яқуний сессия: ўқитишнинг дарсда ўтилган асосий жиҳатларини мустаҳкамланг.

Дарс режаси

Малака	Pearson BTEC Ўзбекистон 5-даража Бухгалтерия ҳисоби ва молия соҳаси бўйича Профессional Диплом
Модул	1-модул: Молиявий транзакцияларни ҳисобга олиш
Дарс рақами	11 (180 дақиқа)

Дарс мақсадлари	<p>Ўқувчи қуйидагиларни бажара олиши лозим:</p> <ul style="list-style-type: none"> • молиявий ҳисоботларни текшириш учун ҳисобнинг тегишли восита ва усулларидадан фойдаланиш. • фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисобот ва бухгалтерия баланснинг мақсадини тушунтириш. • бухгалтерия балансида текширишни амалга ошириш ва тузатишларнинг сабабларини аниқлаш.
------------------------	---

Ресурслар рўйхати	<ul style="list-style-type: none"> • Модулнинг спецификацияси. • Ёзув тахтаси ва ручкалар. • ТС: Тақдимот слайдлари ва ўқитувчининг қайдлари. • МР: Бухгалтерия балансида текширишни амалга ошириш. • МР: Ликвид захиралари ва пул маблағлари захиралари бўйича ҳисоб рақамлар ва балансларни текшириш.
Калитлар: МР: машқлар рўйхати; ФС: форма шаблони; ТС: тақдимот слайдлари.	

Машқлар	Ўқитувчининг қайдлари
Бошланғич машқ (10 дақиқа)	<p>Кириш: ўқувчилардан аввалги дарснинг охирида берилган уй вазифаларига ўз жавобларини тақдим этишларини сўранг.</p> <p>Самарали амалиётни аниқлаш ва ўқувчилар дуч келган ҳар қандай масалалар ва муаммоларни ҳал этиш.</p>
Асосий машқлар (150 дақиқа)	<p>Ўқитувчи бошчилигидаги тақдимот: молиявий ҳисоботларни текшириш учун фойдаланиладиган восита ва усуллар, жумладан:</p> <ul style="list-style-type: none"> • ҳужжатлар тўпламини кўздан кечириш ва таҳлил қилиш. • фойда ва зарарлар тўғрисидаги маълумот ва бухгалтерия балансининг нима экани ҳақидаги маълумот (буни ўқувчилар томонидан бажарилаётган топшириқлар билан боғланг). • қўлда бажариладиган ва автоматлашган усул билан текшириш. <p>Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама: текширишнинг муҳимлиги.</p> <p>Жуфликда бажариладиган машқлар: балансда текширишни ўтказинг. Қандай тузатишлар амалга оширилган ва нима учун? Агар дастурий таъминотдан фойдаланишнинг имкони бўлса, автоматик текширишни ўтказинг.</p> <p>Мустақил бажариш учун машқ: ликвид захиралар ва пул маблағлари захиралари бўйича ҳисоб рақамлар ва балансларни текшириш учун машқларни бажариш. Қайдларни амалга оширинг.</p> <p>Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама: ўқувчиларнинг жавобларини кўздан кечиринг ва самарали амалиётни аниқланг ҳамда юзага келган масалаларни ҳал этинг.</p>
Якуний машқ (20 дақиқа)	<p>Якуний сессия: ўқитишнинг дарсда ўтилган асосий жиҳатларини мустақамланг.</p>

Машқлар	Ўқитувчининг қайдлари
Мустақил ўқиш / уй вазифаси	<p>Мустақил бажариш учун машқ:</p> <ul style="list-style-type: none"> • қайдларни бажариш ва таянч атамалар глоссарийсини юритиш. • текшириш бўйича машқлар тўпламини бажариш. • ликвид захиралари ва пул маблағлари захиралари бўйича ҳисоб рақамлар ва балансларни текшириш учун машқларни бажариш.

Дарс режаси

Малака	Pearson BTEC Ўзбекистон 5-даража Бухгалтерия ҳисоби ва молия соҳаси бўйича Профessional Диплом
Модул	1-модул: Молиявий транзакцияларни ҳисобга олиш
Дарс рақами	12 (180 дақиқа)

Дарс мақсадлари	<p>Ўқувчи қуйидагиларни бажара олиши лозим:</p> <ul style="list-style-type: none"> • тафовут деганда нимани назарда тутилишини тушунтириш. • тафовут қай тариқа юзага келиши мумкинлигини тушунтириш. • тафовутларни бартараф этиш учун тегишли бошқарув қарорларини таклиф этиш.
------------------------	--

Ресурслар рўйхати	<ul style="list-style-type: none"> • Модулнинг спецификацияси. • Ёзув тахтаси ва ручкалар. • ТС: Такдимот слайдлари ва ўқитувчининг қайдлари. • МР: Мавзуга оид тадқиқот – тафовутларни аниқлаш учун машқлар тўплами. • МР: Тафовутларни бартараф этиш бўйича қўлланманинг таъсири.
Калитлар: МР: машқлар рўйхати; ФС: форма шаблони; ТС: такдимот слайдлари.	

Машқлар	Ўқитувчининг қайдлари
Бошланғич машқ (10 дақиқа)	<p>Кириш: ўқувчилардан аввалги дарснинг охирида берилган уй вазифаларига ўз жавобларини тақдим этишларини сўранг.</p> <p>Самарали амалиётни аниқлаш ва ўқувчилар дуч келган ҳар қандай масалалар ва муаммоларни ҳал этиш.</p> <p>Ўқувчилар томонидан топшириқни бажарилишини текширинг ва ҳар қандай масалаларни ҳал этинг.</p>
Асосий машқлар (150 дақиқа)	<p>Ўқитувчи бошчилигидаги тақдимот: тафовутларнинг таҳлилини ва тафовутларнинг ҳар хил турларини тақдим этинг.</p> <p>Жуфликда бажариладиган машқлар: берилган маълумотлар тўпламидан тафовутни аниқланг.</p> <p>Мустақил бажариш учун машқ: бир қатор тафовутларнинг ташкилотнинг ҳисоб рақамларига таъсирини шарҳлаш.</p> <p>Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама: тафовутларни бартараф этиш учун зарур бўлган раҳбариятнинг ҳаракатлари ва бу каби ҳаракатлар натижасида юзага келадиган ҳар қандай муаммоларни ҳал этиш.</p> <p>Синфдаги муҳокама: тафовутларни бартараф этиш учун ўқувчилардан раҳбарият ҳаракатларининг мувофиқлашувини талаб этадиган мавзуга оид тадқиқот.</p>
Якуний машқ (20 дақиқа)	<p>Якуний сессия: ўқитишнинг дарсда ўтилган асосий жиҳатларини мустаҳкамланг.</p>
Мустақил ўқиш / уй вазифаси	<p>Мустақил бажариш учун машқ:</p> <ul style="list-style-type: none"> • қайдларни ёзиш ва таянч атамалар глоссарийсини юритиш. • банк ҳисоб рақамларини текшириш воситасида аниқланган тафовутларга доир машқларни бажариш. • агар текширишлар ўтказилмаса, натижа қандай бўлишини кўриб чиқиш ва тақдим қилиш. • текширишни ўтказиш жараёнини қайта тикловчи машқни бажариш.

Дарс режаси

Малака	Pearson BTEC Ўзбекистон 5-даража Бухгалтерия ҳисоби ва молия соҳаси бўйича Профессional Диплом
Модул	1-модул: Молиявий транзакцияларни ҳисобга олиш
Дарс рақами	13 (180 дақиқа)

Дарс мақсадлари	<p>Ўқувчи қуйидагиларни бажара олиши лозим:</p> <ul style="list-style-type: none"> • назорат ва оралиқ ҳисоб рақамларининг мақсадларини тушунтириш. • амалиётларни оралиқ ҳисоб рақамдан тўғри ҳисоб рақамга ўтказиш учун зарурий тартиб-таомилларни бажариш.
------------------------	---

Ресурслар рўйхати	<ul style="list-style-type: none"> • Модулнинг спецификацияси. • Ёзув тахтаси ва ручкалар. • ТС: Тақдимот слайдлари ва ўқитувчининг қайдлари. • МР: Тафовутларни аниқлаш учун машқлар тўплами. • МР: Тафовутларни бартараф этиш бўйича раҳбариятнинг ҳаракатлари.
--------------------------	---

Калитлар: **МР:** машқлар рўйхати; **ФШ:** форма шаблони; **ТС:** тақдимот слайдлари.

Машқлар	Ўқитувчининг қайдлари
Бошланғич машқ (10 дақиқа)	<p>Кириш: ўқувчилардан аввалги дарснинг охирида берилган уй вазифаларига ўз жавобларини тақдим этишларини сўранг.</p> <p>Самарали амалиётни аниқлаш ва ўқувчилар дуч келган ҳар қандай масалалар ва муаммоларни ҳал этиш.</p>
Асосий машқлар (150 дақиқа)	<p>Ўқитувчи бошчилигидаги тақдимот: назорат ва оралиқ ҳисоб рақамлари, жумладан:</p> <ul style="list-style-type: none"> • дебитор ва кредиторларнинг назорат ҳисоб рақамлари ўртасидаги фарқ. • бу ҳисоб рақамлар маблағларни бошқаришни ва молиявий амалиётларнинг самарали ҳисобини қандай таъминлайди? • текшириш қандай ва нима учун ўтказилади? <p>Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама: оралиқ ва назорат ҳисоб рақамларининг ўзига хосликлари.</p> <p>Кичик гуруҳлардаги муҳокама: маблағларни самарали бошқаришга нисбатан талабларни тақдим этиш ва муҳокама қилиш.</p> <p>Мустақил бажариш учун машқ:</p> <ul style="list-style-type: none"> • номаълум ҳисоб рақамдан тўғри ҳисоб рақамга ўтказиш амалиётига доир машқни бажариш. • амалий машқни бажариш ва текширишни якунлаш.
Якуний машқ (20 дақиқа)	<p>Якуний сессия: ўқитишнинг дарсда ўтилган асосий жиҳатларини мустаҳкамланг.</p>
Мустақил ўқиш / уй вазифаси	<p>Мустақил бажариш учун машқ:</p> <ul style="list-style-type: none"> • қайдларни ёзиш. • Банк ҳисоб рақамларини текшириш натижасида тафовутларни аниқлаш бўйича тадбирларни ўтказиш. • агар текширишлар ўтказилмаса, натижа қандай бўлишини кўриб чиқиш ва тақдим қилиш. • текширув ўтказиш жараёнини қайта тикловчи машқни бажариш.

Дарс режаси

Малака	Pearson BTEC Ўзбекистон 5-даража Бухгалтерия ҳисоби ва молия соҳаси бўйича Профессional Диплом
Модул	1-модул: Молиявий транзакцияларни ҳисобга олиш
Дарс рақами	14 (180 дақиқа)

Дарс мақсадлари	<p>Ўқувчи қуйидагиларни бажара олиши лозим:</p> <ul style="list-style-type: none"> • дебитор ва кредиторларнинг назорат ҳисоб рақамлари ўртасидаги фарқни тушуниш. • дебиторлик ва кредиторлик ҳисоб рақамларининг вазифаларини тушунтириш. • текширишни якунлаш.
------------------------	--

Ресурслар рўйхати	<ul style="list-style-type: none"> • Модулнинг спецификацияси. • Ёзув тахтаси ва ручкалар. • ТС: Тақдимот слайдлари ва ўқитувчининг қайдлари. • МР: Мавзуга оид тадқиқот устидан назорат ва оралиқ ҳисоб рақамлар. • МР: Текширишга доир машқлар.
Калитлар: МР: машқлар рўйхати; ФС: форма шаблони; ТС: тақдимот слайдлари.	

Машқлар	Ўқитувчининг қайдлари
Бошланғич машқ (10 дақиқа)	Кириш: ўқувчиларнинг аввалги дарсни тушунганларини текшириш учун саволлар ва жавоблардан фойдаланинг.
Асосий машқлар (150 дақиқа)	<p>Ўқитувчи бошчилигидаги тақдимот: назорат ва оралиқ ҳисоб рақамлар бўйича мавзуга оид тадқиқотни тақдим этинг, жумладан:</p> <ul style="list-style-type: none"> • қарздорлар ва кредиторларнинг назорат ҳисоб рақамлари ўртасидаги фарқ. • назорат ва оралиқ ҳисоб рақамлари. • текшириш ўтказишнинг сабаблари ва тартиби. • қарздорнинг ва кредитор ҳисоб рақамининг вазифаси. <p>Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама: аввалги тақдимотдаги мисоллардан фойдаланиб, агар текшириш ўтказилмаса, келиб чиқиши мумкин бўлган ҳар қандай муаммоларни аниқланг.</p> <p>Кичик гуруҳлардаги муҳокама: назорат ва оралиқ ҳисоб рақамлар бўйича мавзуга оид тадқиқотдан фойдаланиб, агар текшириш ўтказилмаса, жараённинг ҳар бир босқичида нима юз беришининг блок-схемасини тайёрланг. Бошқа гуруҳларнинг жавобларини таққослаб ва қарама-қарши қўйиб натижаларни синфнинг қолган қисмига етказинг.</p>
Якуний машқ (20 дақиқа)	Якуний сессия: ўқитишнинг дарсда ўтилган асосий жиҳатларини мустаҳкамланг.
Мустақил ўқиш / уй вазифаси	<p>Мустақил бажариш учун машқ:</p> <ul style="list-style-type: none"> • қайдларни ёзиш. • берилган сценарий бўйича текшириш ўтказиш жараёнини қайта яратиш.

Дарс режаси

Малака	Pearson BTEC Ўзбекистон 5-даража Бухгалтерия ҳисоби ва молия соҳаси бўйича Профessional Диплом
Модул	1-модул: Молиявий транзакцияларни ҳисобга олиш
Дарс рақами	15 (180 дақиқа)

Дарс мақсадлари	<p>Ўқувчи қуйидагиларни бажара олиши лозим:</p> <ul style="list-style-type: none"> • шерикчилик учун молиявий ҳисоботни тайёрлаш. • масъулияти чекланган жамият учун молиявий ҳисоботни тайёрлаш.
------------------------	---

Ресурслар рўйхати	<ul style="list-style-type: none"> • Модулнинг спецификацияси. • Ёзув тахтаси ва ручкалар. • ТС: Тақдимот слайдлари ва ўқитувчининг қайдлари. • МР: Назорат ва оралиқ ҳисоб рақамлар иштирокидаги солиштирув бўйича амалиётларни яқунлаш. • МР: Шерикчилик учун молиявий ҳисоботни тайёрлаш. • МР: Масъулияти чекланган жамият учун молиявий ҳисоботни тайёрлаш
Калитлар: МР: машқлар рўйхати; ФШ: форма шаблони; ТС: тақдимот слайдлари.	

Машқлар	Ўқитувчининг қайдлари
Бошланғич машқ (10 дақиқа)	Кириш: аввалги дарснинг шарҳи.
Асосий машқлар (150 дақиқа)	<p>Ўқитувчи бошчилигидаги тақдимот:</p> <ul style="list-style-type: none"> • якка тартибдаги тадбиркорлар, шерикчиликлар ва масъулияти чекланган жамиятлар ўртасидаги фарқ – тузилма, маблағлар ва молиявий ҳисобот. • молиявий ҳисоботнинг халқаро стандарти (IAS 1) – молиявий ҳисоботни тақдим этиш. • шерикчиликлар ва масъулияти чекланган жамиятлар учун якуний ҳисоботларни тайёрлаш. • шериклар фойдасини тақсимлашнинг ҳисоби. • шерикчиликда фойдани тақсимлашнинг натижалари (инвестиция қилинган маблағ улушларининг турли тақсимоти ва ўзлаштиришнинг турли имкониятларига эга бўлган иккита шерик иштирокидаги ассигнованияларнинг оддий ҳисоби).
Якуний машқ (20 дақиқа)	Якуний сессия: ўқитишнинг дарсда ўтилган асосий жиҳатларини мустаҳкамланг.
Мустақил ўқиш / уй вазифаси	<p>Мустақил бажариш учун машқ:</p> <ul style="list-style-type: none"> • қайдларни ёзиш. • маълумотлардан фойдаланиб, шерикчиликлар ва масъулияти чекланган жамиятлар учун молиявий ҳисоботларни, шунингдек шерикчилик учун ассигнованияларнинг оддий ҳисобини тайёрлаш.

Дарс режаси

Малака	Pearson ВТЕС Ўзбекистон 5-даража Бухгалтерия ҳисоби ва молия соҳаси бўйича Профessional Диплом
Модул	1-модул: Молиявий ўтказмалар ҳисоботи
Дарс рақами	16 (180 дақиқа)

Дарс мақсадлари	<p>Ўқувчи қуйидагиларни бажара олиши лозим:</p> <ul style="list-style-type: none"> • мавзуга оид тадқиқотлар таркибидаги барча вазифаларни бажариш.
------------------------	--

Ресурслар рўйхати	<ul style="list-style-type: none"> • Модулнинг спецификацияси. • Ёзув тахтаси ва ручкалар. • МР: Молиявий амалиётлар ҳисобининг мавзуга оид тадқиқоти. • МР: Мавзуга оид тадқиқотнинг яқунланиши.
--------------------------	---

Калитлар: **МР:** машқлар рўйхати; **ФС:** форма шаблони; **ТС:** тақдимот слайдлари.

Машқлар	Ўқитувчининг қайдлари
Бошланғич машқ (10 дақиқа)	<p>Кириш: ўқувчилардан аввалги дарснинг охирида берилган уй вазифаларига ўз жавобларини тақдим этишларини сўранг.</p> <p>Самарали амалиётни аниқлаш ва ўқувчилар дуч келган ҳар қандай масалалар ва муаммоларни ҳал этиш.</p>
Асосий машқлар (150 дақиқа)	<p>Мустақил бажариш учун машқ: А ва В ўқитиш мақсадларини қамраб олувчи мавзуга оид тадқиқотни яқунлаш учун амалий семинар.</p> <p>Ўқитувчи фаолияти: зарурат туғилганда яқка ҳолдаги ва умумий қўллаб-қувватлашни таъминланг.</p>
Яқуний машқ (20 дақиқа)	<p>Яқуний сессия: ўқитишнинг дарсда ўтилган асосий жиҳатларини мустаҳкамланг.</p>
Мустақил ўқиш / уй вазифаси	<p>Мустақил бажариш учун машқ:</p> <ul style="list-style-type: none"> • қайдларни ёзиш. • ҳар қандай хато ва камчиликларни бартараф этган ҳолда дарсда мавзуга оид тадқиқотни яқунлаш.

Дарс режаси

Малака	Pearson BTEC Ўзбекистон 5-даража Бухгалтерия ҳисоби ва молия соҳаси бўйича Профессional Диплом
Модул	1-модул: Молиявий транзакцияларни ҳисобга олиш
Дарс рақами	17–19 (180 дақиқа X 3)

Дарс мақсадлари	<p>Ўқувчи қуйидагиларни бажара олиши лозим:</p> <ul style="list-style-type: none"> • мустақил топшириқдаги барча шартларни бажариш. • яқунланган мустақил топшириқни топшириш муддатида тақдим этиш.
------------------------	--

Ресурслар рўйхати	<ul style="list-style-type: none"> • Модулнинг спецификацияси. • Ёзув тахтаси ва ручкалар. • ТС: Тақдимот слайдлари ва ўқитувчининг қайдлари. • МР: Мустақил топшириқни тақсимлаш; Баҳолашларни қайд этиш учун ҳужжатлар тўплами.
Калитлар: МР: машқлар рўйхати; ФС: форма шаблони; ТС: тақдимот слайдлари.	

Машқлар	Ўқитувчининг қайдлари
Бошланғич машқ (10 дақиқа)	Кириш: аввалги дарснинг шарҳи. Банк ҳисоб рақамларини текширишни такрорлаш. Мустақил топшириқ билан таништириш.
Асосий машқлар (ҳар бир дарс учун 150 дақиқа)	<p>Ўқитувчи бошчилигидаги машқлар: умумий масалаларни ва ўқувчиларнинг муаммоларини ҳал этинг.</p> <p>Мустақил бажариш учун машқ: топшириқ устида ишлаш.</p> <p>Ўқитувчи бошчилигидаги машқлар: баҳолашнинг шаклланиши бўйича алоҳида ўқувчилар учун қўллаб-қувватлашни таъминланг.</p>
Якуний машқ (20 дақиқа)	Якуний сессия: ўқитишнинг дарсда ўтилган асосий жиҳатларини мустаҳкамланг.
Мустақил ўқиш / уй вазифаси	Мустақил бажариш учун машқ: қайдларни бажариш.

Дарс режаси

Малака	Pearson BTEC Ўзбекистон 5-даража Бухгалтерия ҳисоби ва молия соҳаси бўйича Профессional Диплом
Модул	1-модул: Молиявий транзакцияларни ҳисобга олиш
Дарс рақами	20 (180 дақиқа)

Дарс мақсадлари	<p>Ўқувчи қуйидагиларни бажара олиши лозим:</p> <ul style="list-style-type: none"> Ўзи томонидан тақдим этилган ишнинг кучли ва кучсиз томонларини аниқлаш. фанни яхши ўзлаштириш учун зарур бўлган такомиллаштириш соҳаларини билиш.
------------------------	---

Ресурслар рўйхати	<ul style="list-style-type: none"> Модулнинг спецификацияси. Ёзув тахтаси ва ручкалар. ТС: Тақдимот слайдлари ва ўқитувчининг қайдлари. ФШ: Модулни кўздан кечириш учун андоза.
Калитлар: МР: машқлар рўйхати; ФШ: форма шаблони; ТС: тақдимот слайдлари.	

Машқлар	Ўқитувчининг қайдлари
Бошланғич машқ (10 дақиқа)	<p>Кириш: аввалги дарснинг охирида топширилган, текширилган топшириқларни тарқатинг.</p> <p>Энг яхши амалиётни аниқланг ва кенг тарқалган ҳар қандай хато ва муаммоларни бартараф этинг.</p>
Асосий машқлар (150 дақиқа)	<p>Ўқитувчи бошчилигидаги тақдимот: мустақил топшириқдаги ҳар бир алоҳида вазифани кўриб чиқинг, жумладан:</p> <ul style="list-style-type: none"> • ҳар бир вазифада зарур бўлган асосий жиҳатларни ажратиб кўрсатиш. • ўқитишнинг асосий жиҳатларини аниқланг. • ўқувчилар билан улар мураккаб деб ҳисоблаган соҳаларни муҳокама қилиш.
Якуний машқ (20 дақиқа)	<p>Модул ҳақида маълумотлар: ўқувчилардан курснинг ижобий жиҳатларига тааллуқли бўлган қайта алоқани олиш учун баҳс-мунозара ўтказинг, жумладан:</p> <ul style="list-style-type: none"> • ўқитишнинг асосий жиҳатлари. • улар қийин деб ҳисоблаган ҳар қандай мавзулар. • дарслар суръати, ўқитувчиларнинг қўллаб-қувватлашларидан фойдаланиш, Ресурсларнинг сифати, топшириқларнинг бажарилиш муддатлари каби модулни яхшилаш учун таклиф этилаётган тадбирлар.
Мустақил ўқиш / уй вазифаси	<p>Мустақил бажариш учун машқ:</p> <ul style="list-style-type: none"> • қайдларни ёзиш ва таянч атамалар глоссарийсини тўлдириш. • мазкур фаннинг камчиликлари ва самарадорликни ошириш учун зарур бўлган қўллаб-қувватлаш аниқланадиган ҳаракатлар режасини тайёрлаш.

Мустақил топшириқ қисқача йўриқномаси

Малака	Pearson ВТЕС Ўзбекистон 5-даража Бухгалтерия ҳисоби ва молия соҳаси бўйича Професионал Диплом
Модул	1-модул: Молиявий транзакцияларни ҳисобга олиш
Ўқитиш мақсади (мақсадлари)	<ul style="list-style-type: none"> • Икки ёқлама бухгалтериядан фойдаланиб, хўжалик амалиётларини ёзиб боришни ва синов балансини тузишни билиш. • Якуний ҳисоботларни тузишни билиш. • Компания ва банк ёзувларининг тўғрилигига ишонч ҳосил қилиш учун банк солиштирувларини ўтказишни билиш. • Назорат ҳисоб рақамларини солиштиришни ва қайд этилган ўтказмаларни транзит ҳисоб рақамлардан керакли ҳисоб рақамларга кўчиришни билиш.
Топшириқнинг номи	Молиявий ҳисоб тамойилларининг қўлланилиши
Имтиҳон олувчи	
Чиқарилган сана	
Топшириш муддати	

Професионал-техник сценарий ёки мазмун	Сиз унча катта бўлмаган бухгалтерия бизнесида кичик бухгалтерсиз. Сиздан мижознинг бизнеси учун бир қатор якуний ҳисоботларни тайёрлашни ва тузишни сўрашди.
---	--

<p>1-вазифа</p>	<p>Сизга молиявий маълумотларнинг рўйхати тақдим этилди ва сиз унинг ёрдамида қуйидагиларни тузишингиз лозим:</p> <ul style="list-style-type: none"> • бухгалтерия бош китобини. • синов балансини. • фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботни. • бухгалтерия балансини. <p>Мазкур ҳужжатлар талабларга мос тарзда тўғриланиши лозим, бухгалтерия бош китоби билан боғлиқ иш якунланганидан сўнг эса банк ҳисоб рақамларини текшириш учун тақдим этилган банк кўчирмаларини ҳам текшириш керак бўлади.</p> <p>Якунлаганингиздан сўнг, сиз ўзингизнинг бевосита раҳбарингизга якуний ҳисоботлар тўпламини тақдим этасиз.</p> <p>Бунга қўшимча тарзда, ҳар бир текшириш қандай ва нима учун бажарилгани кўрсатилган текширишнинг назорат жараёни қисқа тушунтирилиши тақдим этилиши лозим.</p>
<p>Талаб этилган далиллар рўйхати</p>	<p>Тақдим этиш қуйидагилардан иборат жилдни ўз ичига олади:</p> <ul style="list-style-type: none"> • ҳисоботлар лойиҳаларини. • тайёр якуний ҳисоботларни. • текширишнинг назорат жараёнини тушунтиришни.

Мазкур вазифа томонидан қамраб олинadиган мезонлар:	
Мезонларга ҳавола	Мезонга эришиш учун сиз нимага қодир эканингизни кўрсатишингиз лозим:
A.P1	Дебет ва кредитларнинг икки ёқлама тизимини қўлланг. Олди-сотди келишувларини бош китобга киритинг.
A.P2	Бухгалтерия китобини яқунлаш учун баланс қоидасини қўллаб синов балансини тузинг.
A.P3	Икки ёқлама бухгалтериядан фойдаланиб, аввалги синов балансдан кейингисига ўтишни кўрсатиш учун транзакцияларни таҳлил қилинг.
B.P1	Берилган синов баланси ёрдамида якуний ҳисоботларни тайёрланг.
B.P2	Савдо ташкилоти учун якуний ҳисоботларни тузинг.
B.P3	Якуний ҳисоботларни тайёрлашга қадар ҳисоблаш, эскириш ва олдиндан бажарилаётган тўловни ҳисобга олган ҳолда, ҳисоблардаги қолдиқларни мувофиқлаштиринг.
C.P1	Қатор банк солиштирувларини тайёлаш учун банк солиштируви жараёнини қўлланг.
C.P2	Умумий ҳисоблар ва балансни текшириш учун тегишли ҳўжжатларни ва услубларни қўлловчи аниқ банк солиштирувларини тайёрланг.
D.P1	Келтирилган мисоллардан фойдаланиб, назорат ҳисоб-рақамларини текшириш ва оралиқ ҳисоб-рақамларини тозалаш жараёнини тушунтириш.
D.P2	Тегишли услубларни қўллаб текширилган тўғри ҳисоботларни тузинг.

<p>Ушбу топшириқни бажаришингизда сизга ёрдам берадиган маълумот Ресурслари</p>	<p>Китоблар</p> <ul style="list-style-type: none"> • ATRILL, P. and McLANEY, E. (2012) <i>Accounting and Finance for Non-Accounting Specialists</i>, Pearson (2012), ISBN-13: 978-0273778035. • DYSON, J. R., (2010) <i>Accounting for Non-Accounting Students</i>, Financial Times/Prentice Hall (2010), ISBN-13: 978-0273034391. • GLAUTIER, M. et al, (2010) <i>Accounting Theory and Practice</i>, Financial Times/Prentice Hall (2010), ISBN-13: 978-027362444-8. • LOUGHRAN, M. (2011) <i>Financial Accounting for Dummies</i>, John Wiley & Sons, Inc. (2011), ISBN-13: 978-0470930656. • MCLANEY, E. and ATRILL, P. (2012) <i>Accounting: An Introduction</i>, Pearson (2012), ISBN-13: 978-0273771944. <p>Журналлар</p> <ul style="list-style-type: none"> • <i>Европа молиявий менежменти</i> • <i>Бизнес-маблағлар ва бухгалтерия ҳисоби</i> • <i>Бошқариш ва Молиявий ҳисобнинг халқаро журнали</i>
<p>Мазкур мустақил топшириққа илова қилинадиган бошқа баҳоловчи материаллар</p>	<p>Мини-мавзуга оид тадқиқот, жумладан молиявий маълумотлар</p>

1-модул. Мустақил топшириқ учун кўмаклашувчи материаллар

Мустақил топшириқ: Молиявий ҳисоб тамойилларининг қўлланилиши

Мазмуни

Сиз Акбар исмли янги мижоз билан кўпгина учрашувлар ўтказдингиз. Сиз унинг тажрибали ва ўз ишини жуда яхши тушунадиган тоғ муҳандиси эканини билиб олдингиз.

Акбар сизга ўзининг бизнеси, унинг қачон ва нима учун тузилгани тўғрисида қисқа маълумотни тақдим этди. Шунингдек, у сизга қуйида кўрсатилган баъзи молиявий маълумотларни ҳам тақдим этди.

20 йил иш берувчи сифатида иш олиб борган Акбар, тўққиз ой олдин Ўзбекистондаги тоғ-кон тармоғида иш олиб борадиган ташкилотларга эксперт маслаҳатларини тақдим этиш учун консалтинг бизнесига асос солди.

Акбар офисни ижарага олди, ижаранинг йиллик қиймати 3000\$ ни ташкил этган бўлиб, у уни ҳар ой тўлаб боради. Шунингдек, у қиймати 600\$ тенг бўлган офис жиҳозларини, қиймати 1000\$ га тенг бўлган махсус профессионал жиҳозларни ва қиймати 1500\$ га тенг бўлган автомобилни сотиб олди. Акбарнинг қўл остида иккита одам ишлайди. Улардан бири сотувлар ва маркетинг бўлимида ярим ставка ишлайди ва унинг йиллик иш ҳақи 2400\$ ни ташкил этади. Бошқаси эса – маъмурий клерк, шунингдек у Акбарнинг ҳисоб рақамлари ҳисобини ҳам юритади. Унинг йиллик иш ҳақи 4800\$ га тенг. Ҳар икки ишчи ҳам иш ҳақи бўйича қарздорликка эга.

Бошланғич харажатларни қоплаш ва бошланғич харажатларни қоплашга айланма маблағни таъминлаш мақсадида Акбар ўзининг шахсий пулидан 3000\$ киритди, 2000\$ миқдорида банк овердрафтини расмийлаштирди ва ўзининг банкидан 3000\$ қарз олди. Банк кредити ҳар ойда 108\$ миқдорида тенг қисмларга бўлинган ҳолда уч йил ичида тўланиши лозим. Агар Акбарга ўзининг овердрафтидан фойдаланишга тўғри келса, унинг фикрига кўра фоиз ставкаси ойига 2,5% ташкил этади.

Офис ижараси учун тўловдан ташқари Акбар ҳар ойда ижарага берувчи орқали газ ва электр учун ҳам ҳақ тўлайди. У коммунал хизматлар учун тўловни ҳар ой амалга оширишга келишиб олган. Акбарнинг ҳисоб-китобига кўра коммунал хизматлар учун бир ойлик тўлов 100\$ ни ташкил этади ва ҳар ойда мазкур суммани ўзининг ижарага берувчисига тўлашга рози бўлган. Ҳар уч ойда Акбар фойдаланилган газ ва электр учун ҳисоб-фактура олади ва агар зарурат туғилса, ҳар қандай қўшимча тўловларни ҳам амалга оширишига тўғри келади.

Биринчи олти ойлик тижорий фаолиятдан сўнг:

- умумий харажатлар \$1400 ни ташкил этди.
- умумий даромад \$29,800 ни ташкил этди.
- Акбар ҳар ойда 500\$ дан қарз олган.

Тахминлар

Мазкур тахминлар ўринли бўлган жойларда, 1 ва 2 фаолиятнинг ҳар қандай турларига қўлланилиши мумкин.

- Амортизация чизиқли тамойилга асосланган.
- Аҳолидан олинадиган даромад солиғи Ўзбекистон учун жорий ставка бўйича тўланади.
- Ижтимоий солиқ Ўзбекистон учун жорий ставка бўйича тўланади.
- Барча қарзлар синов балансига қадар қопланади.
- Чекларни расмийлаштиришга беш иш кунига қадар вақт сарфланади.

1 – вазифа

Акбар ўз бизнесининг молиявий ҳолатини аниқлаб олиш учун сизга мурожаат қилган, чунки у йирикроқ шартномалар бўйича савдо имкониятларини кўриб чиқмоқда. У ўзининг банкига қўшимча молиявий ёрдам сўраб мурожаат қилиш учун бизнесининг молиявий ҳолати яхши эканига ишонч ҳосил қилмоқчи.

Юқорида келтирилган маълумотдан фойдаланиб савдонинг дастлабки тўққиз ойи учун синов балансини тузинг. Сиз ҳисоб рақамларнинг маъмурий клерк томонидан банк кўчирмалари билан солиштирилганини назарда тутишингиз лозим.

Сиз Акбарга ушбу хизмат учун тўлов 50\$ ни ташкил этишини маълум қиласиз, ҳисобни тақдим этасиз ва тўлов ҳисоб тақдим этилган санадан бошлаб 30 кун ичида амалга оширилишини кутаётганингизни билдирасиз.

2 – вазифа

Сиз тузган синов балансидан келиб чиқиб, Акбар ўзининг бизнесини кенгайтириш учун яхши молиявий ҳолатда эканига амин бўлади. Яна уч ойдан сўнг Акбар йирик шартномани муваффақиятли тарзда расмийлаштирди. Бу шунингдек, унинг савдо фаолиятининг биринчи йилининг якунига ҳам тўғри келди.

10 000\$ миқдоридаги қўшимча кредит олиш учун Акбар ўзининг банкига мурожаат қилди. Бу кўпроқ ходимларни ёллаш, йирикроқ офисларга қўчиб ўтиш, қўшимча ускуналарни сотиб олиш ва бизнеснинг ликвидлигини ошириш учун етарли маблағни таъминлайди. Кредит олиш мақсадида берилган аризани кўриб чиқиш учун Акбарнинг банки ундан қуйидаги ҳужжатлар ёрдамида ўзининг биринчи савдо йили тўғрисидаги ҳисоботни тақдим этишни сўради:

- бухгалтерия бош китобининг нусхаси.
- савдонинг биринчи 12 оyi учун синов баланси.
- фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисобот.
- бухгалтерия баланси.

Акбар сиздан ўзи учун мазкур ҳужжатларни тақдим этишингизни сўради. Сиз Акбарга ўзингиз томонингиздан тайёрланган ҳужжатларнинг менежерингиз томонидан текширилиши ва тўғрилиги тасдиқланишини маълум қиласиз. Мазкур хизмат учун тўлов 150\$ ни ташкил этади. Бу ҳисоб-фактура бўлиб, тўлов уни тақдим этилган кундан бошлаб 30 кун ичида амалга оширилиши назарда тутилади.

Акбар сизга 10, 11 ва 12 ойлар учун банк кўчирмаларини тақдим этишга рози бўлди.

Акбар сизга юқорида кўрсатилган мунтазам равишдаги ойлик тўловларга қўшимча ҳисобланадиган қуйидаги амалиётларга доир маълумотни тақдим этди.

Ой	Кун	Амалиёт	Сумма (\$)
10	2	Тўлов олинди (чек)	250
	2	Ёқилғи (нақд пул)	29
	3	Овқатланиш – эҳтимолий мижоз билан учрашув (нақд пул)	15
	5	Тўлов олинди (банк)	300
	8	Автосервис (чек 025)	60
	9	Ёқилғи (нақд пул)	30
	10	Канцелярия ашёлари (нақд пул)	10
	10	Почта тўлови (нақд пул)	4
	12	Харид – янги махсус техника (чек 026)	500
	15	Тўлов олинди (чек)	600
	17	Ёқилғи (нақд пул)	25
	18	Тўлов олинди (чек)	400
	23	Тўлов олинди (чек)	525
	24	Канцелярия ашёлари (нақд пул)	5
	25	Овқатланиш – мавжуд мижоз билан учрашув (нақд пул)	12
	27	Овқатланиш – эҳтимолий мижоз билан учрашув (нақд пул)	20
29	Тўлов олинди (чек)	1200	

Ой	Кун	Амалиёт	Сумма (\$)
11	1	Ёқилғи (чек 027)	30
	4	Тўлов олинди (нақд пул)	500
	5	Овқатланиш – эҳтимолий мижоз билан учрашув (нақд пул)	20
	6	Бухгалтернинг хизмат ҳақи (чек 028)	50
	7	Тўлов олинди (чек)	225
	7	Автомобилларни таъмирлаш (нақд пул)	60
	7	Канцелярия ашёлари (нақд пул)	12
	10	Почта тўлови (нақд пул)	5
	11	Тўлов олинди (банк)	600
	15	Овқатланиш – эҳтимолий мижоз билан учрашув (нақд пул)	30
	16	Тўлов олинди (нақд пул)	550
	18	Ёқилғи (чек 029)	30
	21	Овқатланиш – мавжуд мижоз билан учрашув (нақд пул)	20
	22	Тўлов олинди (банк)	360
	24	Тўлов олинди (банк)	240
	28	Иш билан боғлиқ ҳимоя воситалари (чек 030)	100
	29	Овқатланиш – эҳтимолий мижоз билан учрашув (нақд пул)	20
30	Тўлов олинди (банк)	2000	

Ой	Кун	Амалиёт	Сумма (\$)
12	1	Овқатланиш – жамоанинг учрашуви (нақд пул)	20
	2	Тўлов олинди (банк)	380
	4	Ходимларни ўқитиш учун тўлов (чек 031)	50
	6	Тўлов олинди (нақд пул)	450
	6	Автомобилларни таъмирлаш ва ёқилғи (чек 032)	80
	9	Тўлов олинди (банк)	600
	12	Тўлов олинди (банк)	225
	12	Тўлов олинди (банк)	600
	15	Ёқилғи (нақд пул)	20
	16	Тўлов олинди (чек)	550
	22	Овқатланиш – мавжуд мижоз билан учрашув (нақд пул)	20
	22	Овқатланиш – эҳтимолий мижоз билан учрашув (нақд пул)	35
	25	Тўлов олинди (нақд пул)	240
	28	Овқатланиш – эҳтимолий мижоз билан учрашув (нақд пул)	20
	30	Тўлов олинди (банк)	300

Энди сиз, ҳужжатларнинг қуйидаги лойиҳаларини тайёрлаш учун бошланғич синов балансидан фойдаланишингиз лозим:

- Бухгалтерия бош китоби.
- Савдонинг дастлабки 12 оyi учун синов баланси.
- Фойда ва зарарлар тўғрисида ҳисобот.

Бухгалтерия баланси.

Юқорида кўрсатилган ҳужжатлар лойиҳалари тўлдирилганидан сўнг, Акбар сизга қуйидаги банк кўчирмаларини юборди.

Ой	Кун	Амалиётлар	Сумма (\$)
10	1	Нақд пул бериш	150
	1	Офис ижараси	250
	1	Банк кредити	108
	1	Коммунал хизматлар учун ҳисоблар	100
	3	Чек депозити	250
	5	Банк ўтказмаси ҳақидаги квитанция	300
	13	Чек (025)	80
	15	Чек депозити	600
	18	Банк ўтказмаси ҳақидаги квитанция	400
	20	Чек (026)	495
	23	Банк ўтказмаси ҳақидаги квитанция	505
	29	Чек депозити	1200
	30	1-иш ҳақи	200
	30	2-иш ҳақи	400
30	Қарзлар	500	

Ой	Кун	Амалиёт	Сумма (\$)
11	1	Офис ижараси	250
	1	Банк кредити	108
	1	Коммунал хизматлар учун ҳисоблар	100
	4	Пул депозити	250
	5	Чек (027)	40
	7	Чек депозити	225
	11	Чек (028)	50
	11	Банк ўтказмаси ҳақидаги квитанция	600
	22	Банк ўтказмаси ҳақидаги квитанция	360
	23	Пул депозити	575
	23	Чек (028)	30
	24	Банк ўтказмаси ҳақидаги квитанция	240
	25	Чек (029)	20
	30	Банк ўтказмаси ҳақидаги квитанция	2000
	30	1-иш ҳақи	200
	30	2-иш ҳақи	400
30	Қарзлар	500	

Ой	Кун	Амалиёт	Сумма (\$)
12	1	Офис ижараси	250
	1	Банк кредити	108
	1	Коммунал хизматлар учун ҳисоблар	100
	2	Банк ўтказмаси ҳақидаги квитанция	380
	3	Чек (030)	100
	6	Пул депозити	300
	7	Пул депозити	225
	9	Чек (031)	50
	9	Банк ўтказмаси ҳақидаги квитанция	600
	11	Чек (032)	90
	11	Банк ўтказмаси ҳақидаги квитанция	600
	12	Банк ўтказмаси ҳақидаги квитанция	225
	16	Чек депозити	550
	26	Пул депозити	240
	30	Банк ўтказмаси ҳақидаги квитанция	300
	30	1-иш ҳақи	200
30	2-иш ҳақи	400	
30	Қарзлар	500	

Шунингдек, Акбар сизга ўз ижарага берувчисидан олган, охириги уч ой ичида газ ва электрдан фойдаланганлиги учун ҳисоб-фактурани ҳам берди. Бу ҳисоб-фактурадаги сумма 350\$ ни ташкил этади.

Мазкур банк кўчирмаларидан фойдаланиб, сиз якуний ҳисоботларни тузиш учун ҳужжатлар лойиҳаларига тузатишлар киритишингиз лозим.

Ҳужжатлар лойиҳалари ва якуний ҳужжатлар бўлим бошлиғига тақдим этилиши керак.

3-вазифа

Ўзингининг назорат текшируви жараёнини тушунаётганигини намоиш этиш учун сиз ҳар бир текшириш қандай ва нима мақсадда ўтказилганини тушунтириб берадиган ҳисоботни тайёрлашингиз лозим бўлади.

Ҳисоботингиз лойиҳа ва якуний ҳисобот билан бирга менежерингизга тақдим этилади.


2-модул: Молиявий менеджмент тамойиллари

Ўқув қўлланма

Катта эҳтимол билан ўқувчиларингиз ишда бўладилар ёки ўзлари қарорлар қабул қилиш жараёнида иштирок этадиган ишни бажаришга интиладилар. Гуруҳ ҳақида умумий тасаввурга эга бўлиш учун ўқувчиларга гуруҳнинг бошқа аъзолари билан ўзларининг иш тажрибаларини ўртоқлашишлари тавсия этилади.

Кейин сиз ўқувчиларингизнинг иш тажрибасидан уларни қарорлар қабул қилишда қандай иштирок этаётганини, ўз қарорларини асослаш учун улар эга бўлган молиявий маълумотларни ва якуний қарорни қабул қилишда улар эътиборга оладиган омилларни таърифлаб беришда фойдаланишингиз мумкин бўлади.

1-расмда сиз мазкур модулни амалга оширишга қандай ёндашишингиз кераклиги намойиш этилган.



1-расм: Модул билан танишиш

Ушбу модул учун кўмаклашувчи материалларни ўз ичига оладиган иш схемаси сизга ўқувчиларингизнинг билим ва кўникмаларига асосланган мантиқий кетма-кетликдаги ўқитиш дастурини амалга оширишга ёрдам беради.

Иш схемаси тўлиқ курсни ташкил этадиган 20 та сессияни кўрсатиб беради. Мазкур модул учун тайёрланган дарс режаси ҳар бири 3 соатдан иборат бўлган 10 та дарсни ўз ичига олади. Иш схемасидаги фаолиятнинг бошқа турлари ўқувчилар томонидан расмий ўқув машқларидан ташқари бўш вақтларида ўтказиладиган мустақил ўқув тадбирлари орқали қамраб олинади.

Модул билан танишиш

Ўқувчилар балки *1-модул: Молиявий ўтказмалар ҳисоботини* тугатганлар ёки яқунлаш жараёнидалар ва ўз-ўзидан молиявий ҳисоботлар – фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисобот ва бухгалтерия балансини тайёрлаш ва уларнинг асосий мазмуни билан таниш бўладилар (ўқувчилар томонидан тақдим этилган глоссарий уларни мазкур икки ҳисоботни таърифлаб берадиган молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартлари (МҲҲС) нинг молиявий терминологияси билан таништиришига эътибор қаратинг).

Шу тариқа, ўқувчилар фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботдан олинган ялпи ва соф фойданинг ҳисоб-китоби билан, шунингдек баланснинг асосида ётадиган бухгалтерия тенгламаси (активлар = мажбуриятлар + капитал ёки акциялар) билан таниш бўладилар. Бундан ташқари, улар якуний ҳисоботлардаги тузатишларни, жумладан ҳисоблашлар, олдиндан тўловлар ва амортизацияни ўз ичига олади.

Мазкур модул молиявий амалиётларни қайд этишда фойдаланиладиган бухгалтерия ҳисоби тамойилларига асосланади ва ўқувчилар ишга оид контекстда бошқарув қарорларини қабул қилиш жараёнига назар ташлашни таклиф этади.

Шунинг учун сиз ўқувчиларни режалаштириш, назорат қилиш, мувофиқлаштириш ва мониторинг қилиш, шунингдек ушбу турли вазифалар молиявий бошқарув функциясига қандай қўлланилиши каби бошқаришнинг асосий вазифалари билан таништиришингиз керак бўлади.

Бошқарув қарорларини қабул қилиш хатарларни ва бизнес доирасидаги стратегик менежерлар томонидан қабул қилинадиган қарорлардан хабардор бўлишлари ва баъзи ҳолларда стратегик менежерлар томонидан қабул қилинадиган қарорларга жалб этилишлари учун манфаатдор томонлар билан ўзаро алоқаларни ўз ичига олади. Манфаатдор томонларнинг қарорлар қабул қилиш жараёни мазкур модулнинг ажралмас қисми ҳисобланади.

Ушбу модул бошқарув ҳисоби вазифалари билан боғлиқ бўлган бизнес-қарорларга асосий эътибор қаратиладиган мазкур курснинг қисқа дастуридаги аввалги модулларда қамраб олинмаган материал билан ҳамбарчас боғланган. Шу тариқа, модул бошқарув ҳисоби усуллари ва инвестицияларни баҳолаш ва фойдалиликни таҳлил қилиш каби режалаштириш моделларини кўриб чиқиш орқали ўқувчини бошқарув масалалари бўйича бухгалтернинг роли билан таништиради.

Ниҳоят, ўқувчиларингиз барча бизнес-қарорлар бизнес учун ижобий ёки салбий оқибатларга эга бўлишини тушунишлари лозим. Шундай қилиб, модул ўқувчиларга нисбатлар таҳлилинини бизнеснинг самарадорлигини бошқа шу каби корхоналарга нисбатан баҳолаш воситаси сифатида таништиради. Сиз 4-модул: «Молиявий ҳисобот ва ҳисоб» ни дастурдаги охириги модул сифатида белгилашни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблашингиз мумкин бўлади, чунки мазкур модулда ўқувчилар бизнеснинг самарадорлигига тааллуқли бўлган молиявий қарорларнинг натижаларини таҳлил қиладилар.

2-расм мазкур модуллар ва Бухгалтерия ҳисоби ва Молия бўйича қисқа курслар дастурини ташкил этадиган бошқа модуллар ўртасидаги боғлиқликни кўрсатади.



2-расм. Бухгалтерия ҳисоби ва молия бўйича қисқа курс модулларига ҳаволалар

Баҳолаш модели

Ўқитиш мақсади	Асосий мавзулар	Баҳолашга нисбатан тавсия этилган ёндашув
<p>А Самарали қарор қабул қилишни таъминлаш учун фойдаланиладиган молиявий бошқарувнинг турли ёндашувларини тушуниш</p>	<ul style="list-style-type: none"> • Билимларга асосланган ёндашув. • Расмий ва норасмий ёндашув. • Қарор қабул қилишда манфаатдор томонларнинг роллари. • Сотиб олиш қарорларини қабул қилиш. • Таҳлил қилишнинг чекловчи омили. • Асосий омилли таҳлил. 	<p>Мазкур сценарийдаги молиявий бошқарув, молиявий қарорларни қабул қилиш ва узоқ муддатли молиявий барқарорлик ўртасидаги ўзаро алоқага асосланган расмий бизнес-ҳисоботни тузинг.</p>
<p>С Самарали молиявий стратегияларни қўллаб-қувватлаш учун фойдаланилувчи молиявий бошқарув тамойилларини тушуниш</p>	<ul style="list-style-type: none"> • Молиявий мақсадларга эришиш учун топшириқларни аниқлаш. • Ахлоққа оид молиявий бошқарув. • Манфаатдор томонларнинг фаровонлигини ошириш. • Узоқ муддатли барқарор ўсишни таъминлаш. 	

Ўқитиш мақсади	Асосий мавзулар	Баҳолашга нисбатан тавсия этилган ёндашув
<p>D Ҳисобга олишни бошқариш бўйича бухгалтериянинг ва ҳисобга олиш назорати тизимларининг ролларини тушуниш</p>	<ul style="list-style-type: none"> • Ҳисоб бошқаруви бўйича бухгалтернинг асосий вазифалари. • Молиявий бошқарув тизимлари. • Сарфларнинг назорати ва самарали молиявий режалаштириш. • Ички ва ташқи назорат. • Фирибгарликни аниқлаш ва олдини олиш учун молиявий менеджментдан фойдаланиш. 	
<p>B Молиявий қарорларни қабул қилиш барқарор фаолиятни қандай қўллаб-қувватлашини тушуниш</p>	<ul style="list-style-type: none"> • Қарорларни асослаш учун молиявий коэффициентлардаги маълумотлардан фойдаланиш. • Қарорларни асослаш учун сармоявий баҳолашдан фойдаланиш. • Молиявий қарорлар қабул қилишда пул маблағлари ҳаракати, синов баланслари ва зарарсизлик тўғрисидаги ҳисоботларнинг аҳамиятини баҳолаш. 	<p>Маблағларни бошқаришнинг бутунлашган тизими устунликларининг расмий тақдимоти.</p>

Баҳолашга доир қўлланма

Мазкур модул иккита вазифа асосида баҳоланади.

- **1-вазифа** ўқувчиларнинг ушбу сценарийдаги маблағларни бошқаришга нисбатан ёндашувлар, молиявий қарорларни қабул қилиш ва узоқ муддатли молиявий барқарорликлар ўртасидаги ўзаро алоқага эътибор қаратадиган тадқиқотларга асосланган ҳисоботни тузишларини талаб этади.
- **2-вазифа** 1-вазифанинг натижаларига асосланади ва ўқувчилардан тақдимотлар учун мос келадиган дастурий таъминотдан фойдаланган ҳолда расмий тақдимотни тайёрлашни ва тақдим этишни талаб этади. Ўқувчи молиявий менежментнинг бутунлашган тизими доирасида иш олиб борадиган бошқарув бухгалтерии иштирок этадиган молиявий менежментнинг умумлашган тизимининг фойдасига далилларни тақдим этиши лозим бўлади.

Модулнинг бошланиши

Бошланиш ўқитиш усулини тақдим этиш учун таянч нуқтаси ҳисобланади.

2-модул: Молиявий менеджмент тамойиллари

Кириш

Ўқувчиларингиз молиявий ҳисоб ва бошқарув ҳисоби ўртасидаги фарқни тушунишлари лозим, чунки мазкур модулда бухгалтерия ҳисобининг бу икки элементи кўриб чиқилади.

Мустақил ўқиш / уй вазифаси	<p>Мустақил бажариш учун машқ:</p> <ul style="list-style-type: none"> • қайдларни ёзиш ва сўзларни таянч атамалар глоссарийсига қўшиш. • шакллантирувчи баҳолаш: ноахлоқий қарорларнинг корхонага ва унинг акциядорларига таъсирини қўшимча ўрганиш.

Дарс режаси

Малака	Pearson BTEC Ўзбекистон 5-даража Бухгалтерия ҳисоби ва молия соҳаси бўйича Професионал Диплом
Модул	2-модул: Молиявий менеджмент тамойиллари
Дарс рақами	8 (180 дақиқа)

Дарс мақсадлари	<p>Ўқувчи қуйидагиларни бажара олиши лозим:</p> <ul style="list-style-type: none"> • самарали молиявий режалаштириш учун талабларни аниқлаш. • Молиявий режалаштириш билан боғлиқ хатарларни таҳлил қилиш. • Молиявий режалаштириш жараёнидаги бизнес-хатарларни камайтириш усулларини баҳолаш. • Турли ташкилий контекстларда молиявий SMART мақсадларни белгилаб олиш.
------------------------	--

Ресурслар рўйхати	<ul style="list-style-type: none"> • Модулнинг спецификацияси. • Ёзув тахтаси ва ручкалар. • ТС: Тақдимот слайдлари ва ўқитувчининг қайдлари. • МР: Молиявий SMART мақсадларни белгилаб олиш. • МР: Самарали молиявий режалаштиришнинг хусусиятларини аниқлаш.
--------------------------	--

Калитлар: **МР:** машқлар рўйхати; **ФШ:** форма шаблони; **ТС:** тақдимот слайдлари.

Машқлар	Ўқитувчининг қайдлари
Бошланғич машқ (10 дақиқа)	<p>Кириш: ўқувчилардан аввалги дарснинг охирида берилган уй вазифасига ўзларининг жавобларини тақдим этишларини сўранг.</p> <p>Энг яхши амалиётни аниқланг, шунингдек ҳар қандай кенг тарқалган хатолар ва муаммоларни бартараф этинг.</p>
Асосий машқлар (150 дақиқа)	<p>Ўқитувчи бошчилигидаги тақдимот: SMART мақсадларни белгилаб олиш.</p> <p>Жуфликда бажариладиган машқлар:</p> <ul style="list-style-type: none"> • муайян бизнес-контекстлардан келиб чиқиб самарали молиявий режалаштиришнинг хусусиятларини аниқлаш, масалан, янги маҳсулот маркетинги; маблағларни тежаш ва харажатларни назорат қилишга доир чора-тадбирлар (масалан, харажатлар, тушум, рентабеллик). • муайян молиявий вазифалар учун SMART мақсадни белгилаб олиш. <p>Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама: ўқувчилардан машқлар натижаларини жуфтликларда ўртоқлашишларини сўранг.</p> <p>Ўқитувчи бошчилигидаги тақдимот: бюджет маблағларини қандай ташкил этиш, бошқариш ва харажат қилиш, шунингдек, бюджетни тузиш бўйича турли ёндашувлар, жумладан аввалги даврлар учун бюджет тузилиши ва нолдан бошлаб бюджетлаш.</p> <p>Мустақил бажариш учун машқ: бюджет тузилишига доир машқни якунлаш.</p> <p>Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама: бюджетлаш жараёнига таъсир этадиган ахлоқий омиллар.</p>
Яқуний машқ (20 дақиқа)	<p>Яқуний сессия: ўқитишнинг дарсда ўтилган асосий жиҳатларини мустаҳкамланг.</p>
Мустақил ўқиш / уй вазифаси	<p>Мустақил бажариш учун машқ:</p> <ul style="list-style-type: none"> • қайдларни ёзиш ва сўзларни таянч атамалар глоссарийсига қўшиш. • кичик бизнес учун молиявий мақсадлардан иборат ишчи варақни тўлдириш ва SMART мақсадларининг ҳаракатлар режасини тузиш.

Дарс режаси

Малака	Pearson BTEC Ўзбекистон 5-даража Бухгалтерия ҳисоби ва молия соҳаси бўйича Профessional Диплом
Модул	2-модул: Молиявий менеджмент тамойиллари
Дарс рақами	9 (180 дақиқа)

Дарс мақсадлари	<p>Ўқувчи қуйидагиларни бажара олиши лозим:</p> <ul style="list-style-type: none"> • бошқарув ҳисоби бўйича бухгалтернинг вазифасини тушунтириш. • бошқарув ҳисоби, молиявий ҳисоб ва бухгалтерия ҳисоби ўртасидаги фарқни тушунтириш.
------------------------	--

Ресурслар рўйхати	<ul style="list-style-type: none"> • Модулнинг спецификацияси. • Ёзув тахтаси ва ручкалар. • ТС: Тақдимот слайдлари ва ўқитувчининг қайдлари. • МР: Иш вазифаларининг мавзуга оид тадқиқоти.
Калитлар: МР: машқлар рўйхати; ФС: форма шаблони; ТС: тақдимот слайдлари.	

Машқлар	Ўқитувчининг қайдлари
Бошланғич машқ (10 дақиқа)	<p>Кириш: ўқувчилардан аввалги дарснинг охирида берилган уй вазифасига ўзларининг жавобларини тақдим этишларини сўранг.</p> <p>Энг яхши амалиётни аниқланг, шунингдек ҳар қандай кенг тарқалган хатолар ва муаммоларни бартараф этинг.</p>
Асосий машқлар (150 дақиқа)	<p>Ўқитувчи бошчилигидаги тақдимот: бошқарув ҳисоби бўйича бухгалтернинг вазифаси, жумладан:</p> <ul style="list-style-type: none"> • молиявий ҳисоб ва бошқарув ҳисоби ўртасидаги фарқ. • бухгалтерия ҳисоби ва бошқарув ҳисоби ўртасидаги фарқ. <p>Жуфликда бажариладиган машқлар: бошқарув бухгалтерининг асосий вазифаларини баҳолаш ва бошқарув ҳисоби қарорларнинг самарали қабул қилинишига қандай кўмаклашишини муҳокама қилиш.</p> <p>Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама: самарали молиявий бошқарувга кўмаклашиши мумкин бўлган фаолиятнинг энг муҳим жиҳатларини аниқлаш.</p> <p>Жуфликда бажариладиган машқлар: турли секторларда бошқарув бухгалтерлари ва молиявий бухгалтерлар учун иккита бўш иш ўрнини топинг. Иш вазифаларини таққосланг ва солиштиринг, зарурий ваколат ва кўникмаларнинг қандай қилиб самарали қарорлар қабул қилишда ташкилотга ёрдам бериши мумкинлигини тушунтиринг.</p>
Якуний машқ (20 дақиқа)	<p>Якуний сессия: ўқитишнинг дарсда ўтилган асосий жиҳатларини мустаҳкамланг.</p>
Мустақил ўқиш / уй вазифаси	<p>Мустақил бажариш учун машқ: қайдларни ёзиш.</p>

Дарс режаси

Малака	Pearson BTEC Ўзбекистон 5-даража Бухгалтерия ҳисоби ва молия соҳаси бўйича Профессional Диплом
Модул	2-модул: Молиявий менеджмент тамойиллари
Дарс рақами	10 (180 дақиқа)

Дарс мақсадлари	<p>Ўқувчи қуйидагиларни бажара олиши лозим:</p> <ul style="list-style-type: none"> • маблағларни самарали бошқаришга таъсир этадиган омилларни баҳолаш. • молиявий тизимларнинг хусусиятлари ва ўзига хосликларини таърифлаш. • молиявий тизимларнинг ривожланишига технологияларнинг таъсирини баҳолаш.
------------------------	---

Ресурслар рўйхати	<ul style="list-style-type: none"> • Модулнинг спецификацияси. • Ёзув тахтаси ва ручкалар. • ТС: Тақдимот слайдлари ва ўқитувчининг қайдлари. • МР: Молиявий тизимларнинг мавзуга оид тадқиқоти.
Калитлар: МР: машқлар рўйхати; ФС: форма шаблони; ТС: тақдимот слайдлари.	

Машқлар	Ўқитувчининг қайдлари
Бошланғич машқ (10 дақиқа)	<p>Кириш: ўқувчилардан аввалги дарснинг охирида берилган уй вазифасига ўзларининг жавобларини тақдим этишларини сўранг.</p> <p>Энг яхши амалиётни аниқланг, шунингдек ҳар қандай кенг тарқалган хатолар ва муаммоларни бартараф этинг.</p>
Асосий машқлар (150 дақиқа)	<p>Ўқитувчи бошчилигидаги тақдимот: молиявий тизимларни аниқлаш ва янги ҳамда илғор технологиялардан фойдаланиш.</p> <p>Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама: янги технологияларнинг молиявий тизимларга таъсири ва самарали молиявий бошқарувга кўмаклашиши мумкин бўлган фаолиятнинг энг муҳим жиҳатларини аниқлаш.</p> <p>Жуфликда бажариладиган машқлар: мавзуга оид тадқиқотдан фойдаланиб, ташкилотда фойдаланиладиган молиявий тизимларни тадқиқ қилинг (жумладан шахсий ташкилотингизни).</p>
Яқуний машқ (20 дақиқа)	<p>Яқуний сессия: ўқитишнинг дарсда ўтилган асосий жиҳатларини мустаҳкамланг.</p>
Мустақил ўқиш / уй вазифаси	<p>Мустақил бажариш учун машқ:</p> <ul style="list-style-type: none"> • қайдларни ёзиш ва сўзларни таянч атамалар глоссарийсига қўшиш. • технологияларнинг яқка тартибдаги тадбиркорнинг молиявий бошқарув вазифаларига таъсирини баҳолаш.

Дарс режаси

Малака	Pearson BTEC Ўзбекистон 5-даража Бухгалтерия ҳисоби ва молия соҳаси бўйича Профессional Диплом
Модул	2-модул: Молиявий менеджмент тамойиллари
Дарс рақами	11(180 дақиқа)

Дарс мақсадлари	<p>Ўқувчи қуйидагиларни бажара олиши лозим:</p> <ul style="list-style-type: none"> • мавзуга оид тадқиқотлардан олинган, 1-мақсадни ўрганишга қаратилган қатор вазифаларни бажариш.
------------------------	--

Ресурслар рўйхати	<ul style="list-style-type: none"> • Модулнинг спецификацияси. • Ёзув тахтаси ва ручкалар. • ТС: Тақдимот слайдлари ва ўқитувчининг қайдлари. • МР: А мақсадини ўрганишга қаратилган мавзуга оид тадқиқотлар.
--------------------------	---

Калитлар: **МР:** машқлар рўйхати; **ФС:** форма шаблони; **ТС:** тақдимот слайдлари.

Машқлар	Ўқитувчининг қайдлари
Бошланғич машқ (10 дақиқа)	<p>Кириш: ўқувчилардан аввалги дарснинг охирида берилган уй вазифасига ўзларининг жавобларини тақдим этишларини сўранг.</p> <p>Энг яхши амалиётни аниқланг, шунингдек ҳар қандай кенг тарқалган хатолар ва муаммоларни бартараф этинг.</p>
Асосий машқлар (150 дақиқа)	<p>Мустақил бажариш учун машқ: А ўқитиш мақсади учун мавзуга оид тадқиқот машқини яқунлаш.</p> <p>Синфдаги муҳокама: А ўқитиш мақсадига доир синфдаги тест, шундан сўнг бошқаларнинг иши баҳоланади. Кўнгиллилар ёзув тахтасида ишчи топшириқларни бажарадилар, сиз эса юзага келадиган умумий муаммо ва қийинчиликларни аниқлайсиз.</p> <p>Ўқитувчи бошчилигидаги тақдимот: мавзуга оид тадқиқотлар доирасида аниқланган асосий муаммо ва қийинчиликлар билан иш олиб боринг.</p>
Яқуний машқ (20 дақиқа)	<p>Яқуний сессия: ўқитишнинг дарсда ўтилган асосий жиҳатларини мустаҳкамланг.</p>
Мустақил ўқиш / уй вазифаси	<p>Мустақил бажариш учун машқ:</p> <ul style="list-style-type: none"> • қайдларни ёзиш. • дарс вақтидаги мавзуга оид тадқиқот доирасида бажарилган машқлардаги хатоларни тўғрилаш.

Дарс режаси

Малака	Pearson BTEC Ўзбекистон 5-даража Бухгалтерия ҳисоби ва молия соҳаси бўйича Профessional Диплом
Модул	2-модул: Молиявий менеджмент тамойиллари
Дарс рақами	12 (180 дақиқа)

Дарс мақсадлари	<p>Ўқувчи қуйидагиларни бажара олиши лозим:</p> <ul style="list-style-type: none"> • бизнес учун бюджетлашнинг устунликларини тушуниш. • бюджетлашнинг бизнесда молиявий режалаштириш ва харажатларни назорат қилишни қандай яхшилашини тушуниш.
------------------------	--

Ресурслар рўйхати	<ul style="list-style-type: none"> • Модулнинг спецификацияси. • Ёзув тахтаси ва ручкалар. • ТС: Тақдимот слайдлари ва ўқитувчининг қайдлари. • МР: Бюджетга оид режалаштириш, мониторинг ва назорат қилишнинг мавзуга оид тадқиқоти.
--------------------------	---

Калитлар: **МР:** машқлар рўйхати; **ФС:** форма шаблони; **ТС:** тақдимот слайдлари.

Машқлар	Ўқитувчининг қайдлари
Бошланғич машқ (10 дақиқа)	<p>Кириш: ўқувчилардан аввалги дарснинг охирида берилган уй вазифасига ўзларининг жавобларини тақдим этишларини сўранг.</p> <p>Энг яхши амалиётни аниқланг, шунингдек ҳар қандай кенг тарқалган хатолар ва муаммоларни бартараф этинг.</p>
Асосий машқлар (150 дақиқа)	<p>Ўқитувчи бошчилигидаги тақдимот:</p> <ul style="list-style-type: none"> • харажатларни бошқариш ва бухгалтерия ҳисобининг тутган ўрни. • харажатлар тўғрисидаги ҳисоботлар, харажатларни бюджетлаш ва мониторинг қилиш, шунингдек харажатларнинг стратегик назорати. <p>Кичик гуруҳлардаги муҳокама: харажатларни бошқаришга доир маълумотга таъсир этадиган қарорларнинг турларини кўриб чиқиш (тактик, оператив, стратегик).</p> <p>Мустақил бажариш учун машқ: мавзуга оид тадқиқотдан фойдаланиб, ташкилотларда (жумладан шахсий ташкилотингизни) қўлланиладиган харажатларни назорат қилиш тизимини ўрғанинг.</p> <p>Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама: харажатларни бошқаришнинг хусусиятлари ва устунликлари.</p>
Яқуний машқ (20 дақиқа)	<p>Яқуний сессия: ўқитишнинг дарсда ўтилган асосий жиҳатларини мустаҳкамланг.</p>
Мустақил ўқиш / уй вазифаси	<p>Мустақил бажариш учун машқ:</p> <ul style="list-style-type: none"> • қайдларни ёзиш ва сўзларни таянч атамалар глоссарийсига қўшиш. • ташкилотдаги (ёки шахсий ташкилотингиздаги) харажатларнинг ички ва ташқи назоратининг муҳимлигини баҳолаш.

Дарс режаси

Малака	Pearson BTEC Ўзбекистон 5-даража Бухгалтерия ҳисоби ва молия соҳаси бўйича Профессионал Диплом
Модул	2-модул: Молиявий менеджмент тамойиллари
Дарс рақами	13 (180 дақиқа)

Дарс мақсадлари	<p>Ўқувчи қуйидагиларни бажара олиши лозим:</p> <ul style="list-style-type: none"> • фирибгарликни аниқлаш ва олдини олиш усулларини тушуниш.
------------------------	--

Ресурслар рўйхати	<ul style="list-style-type: none"> • Модулнинг спецификацияси. • Ёзув тахтаси ва ручкалар. • ТС: Тақдимот слайдлари ва ўқитувчининг қайдлари. • МР: Фирибгарликка қарши курашга доир профилактик чора-тадбирларнинг мавзуга оид тадқиқоти.
--------------------------	--

Калитлар: **МР:** машқлар рўйхати; **ФС:** форма шаблони; **ТС:** тақдимот слайдлари.

Машқлар	Ўқитувчининг қайдлари
Бошланғич машқ (10 дақиқа)	<p>Кириш: ўқувчилардан аввалги дарснинг охирида берилган уй вазифасига ўзларининг жавобларини тақдим этишларини сўранг.</p> <p>Энг яхши амалиётни аниқланг, шунингдек ҳар қандай кенг тарқалган хатолар ва муаммоларни бартараф этинг.</p>
Асосий машқлар (150 дақиқа)	<p>Ўқитувчи бошчилигидаги тақдимот: харажатларни мониторинг қилиш ва назорат қилиш усуллари, фирибгарликка қарши курашга доир сиёсатлар ва тартиб-таомиллар, шунингдек индивидуал мажбуриятлар ва профессионал хатти-ҳаракатлар.</p> <p>Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама: ўқувчилардан фирибгарликни аниқлаш учун ақлий ҳужум (“мозговой штурм”)ни амалга оширишни ва фирибгарликни аниқлаш ва олдини олишга кўмаклашиши мумкин бўлган усулларни таклиф этишни сўранг.</p> <p>Мустақил бажариш учун машқ: мавзуга оид тадқиқотдан фойдаланиб, молиявий фирибгарлик ва унинг оқибатларининг иккита мисолини тадқиқ қилинг. Мазкур вазиятларнинг қандай аниқланиши ва олди олиниши мумкинлигини тахмин қилинг.</p> <p>Жуфликда бажариладиган машқлар: ташкилотларда (жумладан, сизнинг шахсий ташкилотингизда) фойдаланиладиган фирибгарликнинг олдини олиш тизимларини таққосланг ва солиштиринг.</p> <p>Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама: фирибгарликнинг олдини олиш тизимларининг хусусиятлари.</p>
Якуний машқ (20 дақиқа)	<p>Якуний сессия: ўқитишнинг дарсда ўтилган асосий жиҳатларини мустаҳкамланг.</p>
Мустақил ўқиш / уй вазифаси	<p>Мустақил бажариш учун машқ: қайдларни ёзиш.</p> <ul style="list-style-type: none"> баҳолаш: фирибгарликнинг олдини олиш бўйича мавзуга оид тадқиқот.

Дарс режаси

Малака	Pearson BTEC Ўзбекистон 5-даража Бухгалтерия ҳисоби ва молия соҳаси бўйича Профессional Диплом
Модул	2-модул: Молиявий менеджмент тамойиллари
Дарс рақами	14 (180 дақиқа)

Дарс мақсадлари	<p>Ўқувчи қуйидагиларни бажара олиши лозим:</p> <ul style="list-style-type: none"> баҳолаш жараёнидаги алоҳида вазифаларни ишлаб чиқиш.
------------------------	--

Ресурслар рўйхати	<ul style="list-style-type: none"> Модулнинг спецификацияси. Ёзув тахтаси ва ручкалар. ТС: Тақдимот слайдлари ва ўқитувчининг қайдлари.
--------------------------	---

Калитлар: **МР:** машқлар рўйхати; **ФШ:** форма шаблони; **ТС:** тақдимот слайдлари.

Машқлар	Ўқитувчининг қайдлари
Бошланғич машқ (10 дақиқа)	Кириш: ўқувчиларнинг ўзлаштиришларини баҳолаш орқали шарҳлаш.
Асосий машқлар (150 дақиқа)	<p>Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама: тақдим этишнинг мақсади ва формати билан боғлиқ гуруҳли ва якка ҳолдаги умумий масалалар ҳамда муаммоларни ҳал этинг.</p> <p>Мустақил бажариш учун машқ: баҳолаш учун ишни яқунланг.</p> <p>Ўқитувчининг фаолияти: алоҳида ўқувчилар учун ўқиш борасидаги қўллаб-қувватлашни таъминлаш, жумладан баҳолашнинг шаклланишига доир қайта алоқа.</p>
Яқуний машқ (20 дақиқа)	Яқуний сессия: ўқитишнинг дарсда ўтилган асосий жиҳатларини мустаҳкамланг.
Мустақил ўқиш / уй вазифаси	Мустақил бажариш учун машқ: қайдларни ёзиш.

Дарс режаси

Малака	Pearson BTEC Ўзбекистон 5-даража Бухгалтерия ҳисоби ва молия соҳаси бўйича Профessional Диплом
Модул	2-модул: Молиявий менеджмент тамойиллари
Дарс рақами	15 (180 дақиқа)

Дарс мақсадлари	<p>Ўқувчи қуйидагиларни бажара олиши лозим:</p> <ul style="list-style-type: none"> • турли молиявий коэффициентлардан қарорлар қабул қилиш жараёнида қандай фойдаланилиши мумкинлигини тушунтириш. • молиявий коэффициентларни ҳисоблаб чиқиш. • молиявий коэффициентлардан фойдаланиб, турли корхоналарнинг самарадорлигини баҳолаш.
------------------------	--

Ресурслар рўйхати	<ul style="list-style-type: none"> • Модулнинг спецификацияси. • Ёзув тахтаси ва ручкалар. • ТС: Такдимот слайдлари ва ўқитувчининг қайдлари. • МР: Коэффициентлар ҳисоб-китобининг таҳлили. • МР: Коэффициентлар таҳлилидан фойдаланиб бизнеснинг самарадорлигини солиштирма таҳлил қилиш.
Калитлар: МР: машқлар рўйхати; ФС: форма шаблони; ТС: такдимот слайдлари.	

Машқлар	Ўқитувчининг қайдлари
Бошланғич машқ (10 дақиқа)	<p>Кириш: ўқувчилардан аввалги дарснинг охирида берилган уй вазифасига ўзларининг жавобларини тақдим этишларини сўранг.</p> <p>Энг яхши амалиётни аниқланг, шунингдек ҳар қандай кенг тарқалган хатолар ва муаммоларни бартараф этинг.</p>
Асосий машқлар (150 дақиқа)	<p>Ўқитувчи бошчилигидаги тақдимот: молиявий коэффицентларнинг ҳар хил турлари ва бизнес-қарорларни қабул қилишда улардан фойдаланиш: самарадорлик, ликвидлик ва тўлов қобилияти.</p> <p>Жуфликда бажариладиган машқлар: молиявий коэффицентларни ва уларнинг молиявий қарорларни қабул қилишда ёрдам бериши мумкинлигини аниқлаш.</p> <p>Мустақил бажариш учун машқ: берилган маълумотлар тўплами бўйича молиявий коэффицентлар ва уларнинг бизнес учун оқибатларини ҳисоблаб чиқиш.</p> <p>Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама: молиявий коэффицент таҳлилини чеклаш.</p> <p>Мустақил бажариш учун машқ: иккита турли ташкилотнинг унумдорлигини таққослаш учун уларнинг солиштирма таҳлилини ўтказиш.</p>
Якуний машқ (20 дақиқа)	<p>Якуний сессия: ўқитишнинг дарсда ўтилган асосий жиҳатларини мустаҳкамланг.</p>
Мустақил ўқиш / уй вазифаси	<p>Мустақил бажариш учун машқ: қайдларни ёзиш.</p> <ul style="list-style-type: none"> • молиявий кўрсаткичларга ижобий таъсир ўтказиш учун бизнес томонидан амалга ошириладиган ҳаракатларга тааллуқли тавсияларни бериш.

Дарс режаси

Малака	Pearson BTEC Ўзбекистон 5-даража Бухгалтерия ҳисоби ва молия соҳаси бўйича Профessional Диплом
Модул	2-модул: Молиявий менеджмент тамойиллари
Дарс рақами	16 (180 дақиқа)

Дарс мақсадлари	<p>Ўқувчи қуйидагиларни бажара олиши лозим:</p> <ul style="list-style-type: none"> • қарорлар қабул қилиш жараёнида турли молиявий коэффициентлардан қандай фойдаланиш мумкинлигини тушунтириш. • коэффициентлар таҳлилни чеклашни тушунтириш. • молиявий коэффициентларни ҳисоблаб чиқиш. • молиявий коэффициентлардан фойдаланиб турли корхоналарнинг самарадорлигини баҳолаш.
------------------------	--

Ресурслар рўйхати	<ul style="list-style-type: none"> • Модулнинг спецификацияси. • Ёзув тахтаси ва ручкалар. • ТС: Тақдимот слайдлари ва ўқитувчининг қайдлари. • МР: Коэффициентлар ҳисоб-китобининг таҳлили. • МР: Молиявий коэффициентлардан фойдаланиб, бизнеснинг самарадорлигини солиштира таҳлил қилиш.
Калитлар: МР: машқлар рўйхати; ФС: форма шаблони; ТС: тақдимот слайдлари.	

Машқлар	Ўқитувчининг қайдлари
Бошланғич машқ (10 дақиқа)	<p>Кириш: ўқувчилардан аввалги дарснинг охирида берилган уй вазифасига ўзларининг жавобларини тақдим этишларини сўранг.</p> <p>Энг яхши амалиётни аниқланг, шунингдек ҳар қандай кенг тарқалган хатолар ва муаммоларни бартараф этинг.</p>
Асосий машқлар (150 дақиқа)	<p>Ўқитувчи бошчилигидаги тақдимот: молиявий ҳисобот таҳлилининг коэффицентлари ва бизнес самарадорлигининг асосий мезонлари ўртасидаги корреляция.</p> <p>Мустақил бажариш учун машқ: ташкилотнинг якуний ҳисоботлари учун берилган маълумотлар тўпламидан фойдаланиб, молиявий коэффицентларни ҳисобланг:</p> <ul style="list-style-type: none"> • ялпи ва соф фойдани. • киритилган маблағнинг рентабеллигини (ROCE). • кислотали тестнинг коэффицентини (оралиқ ликвидлик коэффицентини) • шахсий ва қарзга олинган маблағлар. • Бизнес учун оқибатлари қандай? • Жуфликда бажариладиган машқлар: иккита турли ташкилотлар фаолиятининг самарадорлигини таққослаш учун мавзуга оид тадқиқот ўтказиш. • Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама: молиявий коэффицент таҳлилини чеклаш; ўқувчиларнинг фикрларига кўра қандай ташкилотлар яхши молиявий ҳолатдалар ва нима учун?
Якуний машқ (20 дақиқа)	<p>Якуний сессия: ўқитишнинг дарсда ўтилган асосий жиҳатларини мустаҳкамланг.</p>
Мустақил ўқиш / уй вазифаси	<p>Мустақил бажариш учун машқ:</p> <ul style="list-style-type: none"> • қайдларни ёзиш ва сўзларни таянч атамалар глоссарийсига қўшиш. • молиявий кўрсаткичларга ижобий таъсир ўтказиш учун бизнес томонидан амалга ошириладиган ҳаракатларга тааллуқли тавсияларни бериш.

Дарс режаси

Малака	Pearson BTEC Ўзбекистон 5-даража Бухгалтерия ҳисоби ва молия соҳаси бўйича Профessional Диплом
Модул	2-модул: Молиявий менеджмент тамойиллари
Дарс рақами	17 (180 дақиқа)

Дарс мақсадлари	<p>Ўқувчи қуйидагиларни бажара олиши лозим:</p> <ul style="list-style-type: none"> • бизнес-қарорларни қабул қилиш учун инвестицияларни баҳолашнинг турли усулларини қўллаш. • келтирилган маълумотлар асосида зарар қўрмасликни таҳлил қилиш жадвалини тўлдириш. • қарорлар қабул қилиш жараёнида бухгалтерия ҳисоби воситаларини қўллаш.
------------------------	---

Ресурслар рўйхати	<ul style="list-style-type: none"> • Модулнинг спецификацияси. • Ёзув тахтаси ва ручкалар. • ТС: Тақдимот слайдлари ва ўқитувчининг қайдлари. • МР: Инвестицияларни баҳолаш. • МР: Зарар қўрмасликни таҳлил қилиш.
--------------------------	--

Калитлар: **МР:** машқлар рўйхати; **ФС:** форма шаблони; **ТС:** тақдимот слайдлари.

Машқлар	Ўқитувчининг қайдлари
Бошланғич машқ (10 дақиқа)	<p>Кириш: ўқувчилардан аввалги дарснинг охирида берилган уй вазифасига ўзларининг жавобларини тақдим этишларини сўранг.</p> <p>Энг яхши амалиётни аниқланг, шунингдек ҳар қандай кенг тарқалган хатолар ва муаммоларни бартараф этинг.</p>
Асосий машқлар (150 дақиқа)	<p>Ўқитувчи бошчилигидаги тақдимот: инвестицияларни баҳолаш усуллари билан аниқ боғланган қарорларга асосланган усулларни жорий этиш, жумладан келтирилган соф қийматни (NPV), инвестицияларнинг фойдалилигини (ROI) ва бошқаларни.</p> <p>Мустақил бажариш учун машқ: маълумотлар асосида инвестицияларни баҳолашнинг қатор ҳисоб-китобларини бажариш ва ROI ни максималлаштириш учун уларнинг фойдалилигини баҳолаш.</p> <p>Ўқитувчи бошчилигидаги тақдимот: зарар кўрмаслик таҳлили.</p> <p>Мустақил бажариш учун машқ: зарар кўрмасликнинг турли нуқталарини аниқлаш учун (бир дона маҳсулот учун нарх ўзгаришлари асосида) даромадларни бошқариш.</p> <p>Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама: зарар кўрмаслик таҳлилининг бизнес-қарорларни қабул қилишга қўшган ҳиссаси.</p>
Якуний машқ (20 дақиқа)	<p>Якуний сессия: ўқитишнинг дарсда ўтилган асосий жиҳатларини мустаҳкамланг.</p>
Мустақил ўқиш / уй вазифаси	<p>Мустақил бажариш учун машқ: қайдларни ёзиш ва таянч атамалар глоссарийсини тўлдириш.</p> <ul style="list-style-type: none"> қарорлар қабул қилиш учун асос сифатида зарар кўрмаслик таҳлили натижаларини ва пул маблағларининг ҳаракати тўғрисидаги ҳисоботларни баҳолаш.

Дарс режаси

Малака	Pearson BTEC Ўзбекистон 5-даража Бухгалтерия ҳисоби ва молия соҳаси бўйича Профessional Диплом
Модул	2-модул: Молиявий менеджмент тамойиллари
Дарс рақами	18 (180 дақиқа)

Дарс мақсадлари	<p>Ўқувчи қуйидагиларни бажара олиши лозим:</p> <ul style="list-style-type: none"> • бизнес-қарорларни қабул қилиш учун инвестицияларни баҳолашнинг турли усулларини қўллаш.
------------------------	---

Ресурслар рўйхати	<ul style="list-style-type: none"> • Модулнинг спецификацияси. • Ёзув тахтаси ва ручкалар. • ТС: Тақдимот слайдлари ва ўқитувчининг қайдлари. • МР: Инвестицияларни баҳолашга доир мавзуга оид тадқиқотлар.
--------------------------	---

Калитлар: МР: машқлар рўйхати; ФС: форма шаблони; ТС: тақдимот слайдлари.

Машқлар	Ўқитувчининг қайдлари
Бошланғич машқ (10 дақиқа)	<p>Кириш: ўқувчилардан аввалги дарснинг охирида берилган уй вазифасига ўзларининг жавобларини тақдим этишларини сўранг.</p> <p>Энг яхши амалиётни аниқланг, шунингдек ҳар қандай кенг тарқалган хатолар ва муаммоларни бартараф этинг.</p>
Асосий машқлар (150 дақиқа)	<p>Ўқитувчи бошчилигидаги тақдимот: келтирилган соф қиймат (NPV) ва даромадлиликнинг ички меъёри (IRR) ўртасидаги фарқ.</p> <p>Синфдаги муҳокама: инвестицияга оид қарорларни қабул қилиш учун NPV / IRR дан фойдаланишни тадқиқ қилиш. Ҳар бир гуруҳ ўз тақризини тақдим этади.</p> <p>Жуфликда бажариладиган машқлар: бизнес-қарорларни қабул қилиш учун NPV ва IRR нинг ҳисоб-китоби ва уни қўллаш мақсадида мавзуга оид тадқиқотларда сценарий маълумотларидан фойдаланиш.</p> <p>Кичик гуруҳлардаги иш: аввалги фаолиятдан олинган бизнес-қарорни таққослаш ва солиштириш.</p> <p>Ўқитувчи бошчилигидаги тақдимот: қарорлар қабул қилиш жараёнида коэффициентлар таҳлилидан, инвестициялар ва зарар кўрмасликни баҳолашдан ҳисоб воситалари сифатида фойдаланишни умумлаштириш.</p>
Яқуний машқ (20 дақиқа)	<p>Яқуний сессия: ўқитишнинг дарсда ўтилган асосий жиҳатларини мустаҳкамланг.</p>
Мустақил ўқиш / уй вазифаси	<p>Мустақил бажариш учун машқ: қайдларни ёзиш.</p> <ul style="list-style-type: none"> • унумдорлик билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш ва ўзининг стратегик мақсадларига интилиш учун бизнес амалга ошириши мумкин бўлган ҳаракатларни аниқлаш учун маълумотларнинг молиявий таҳлилинини ўтказиш.

Дарс режаси

Малака	Pearson BTEC Ўзбекистон 5-даража Бухгалтерия ҳисоби ва молия соҳаси бўйича Профессional Диплом
Модул	2-модул: Молиявий менеджмент тамойиллари
Дарс рақами	19 (180 дақиқа)

Дарс мақсадлари	Ўқувчи қуйидагиларни бажара олиши лозим: <ul style="list-style-type: none"> • мустақил топшириқ ўз ичига олган барча вазифаларни бажариш.
------------------------	--

Ресурслар рўйхати	<ul style="list-style-type: none"> • Модулнинг спецификацияси. • Ёзув тахтаси ва ручкалар. • МР: Мустақил топшириқни яқунлаш
--------------------------	--

Калитлар: **МР:** машқлар рўйхати; **ФШ:** форма шаблони; **ТС:** тақдимот слайдлари.

Машқлар	Ўқитувчининг қайдлари
Бошланғич машқ (10 дақиқа)	<p>Кириш: ўқувчилардан аввалги дарснинг охирида берилган уй вазифасига ўзларининг жавобларини тақдим этишларини сўранг.</p> <p>Энг яхши амалиётни аниқланг, шунингдек ҳар қандай кенг тарқалган хатолар ва муаммоларни бартараф этинг.</p> <p>Ўқувчиларнинг топшириқни қандай уддалаганларини текширинг ва ҳар қандай саволларга жавоб беринг.</p>
Асосий машқлар (150 дақиқа)	<p>Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама: топшириққа нисбатан талаблар, гуруҳли ва якка ҳолдаги умумий масалалар ҳамда муаммоларни ҳал этиш, форматга ва топшириқни тақдим этишга нисбатан академик талабларни кўриб чиқиш.</p> <p>Мустақил бажариш учун машқ: топшириқни бажариш.</p> <p>Ўқитувчининг фаолияти: зарурат туғилганда якка тартибдаги ва умумий қўллаб-қувватлашни таъминлаш.</p>
Якуний машқ (20 дақиқа)	Бажарилган топшириқни тақдим этиш.
Мустақил ўқиш / уй вазифаси	Мустақил бажариш учун машқ: қайдларни ёзиш ва таянч атамалар глоссарийсини тўлдириш.

Дарс режаси

Малака	Pearson BTEC Ўзбекистон 5-даража Бухгалтерия ҳисоби ва молия соҳаси бўйича Профessional Диплом
Модул	2-модул: Молиявий менеджмент тамойиллари
Дарс рақами	20 (180 дақиқа)

Дарс мақсадлари	<p>Ўқувчи қуйидагиларни бажара олиши лозим:</p> <ul style="list-style-type: none"> Ўзи тақдим этган ишнинг кучли ва кучсиз томонларини аниқлаш. фанни чуқурроқ тушуниш учун яхшиланиши лозим бўлган соҳаларни билиш.
------------------------	--

Ресурслар рўйхати	<ul style="list-style-type: none"> Модулнинг спецификацияси Ёзув тахтаси ва ручкалар ТС:Тақдимот слайдлари ва ўқитувчининг қайдлари ФШ: Модул шарҳининг андозаси
Калитлар: МР: машқлар рўйхати; ФШ: форма шаблони; ТС: тақдимот слайдлари.	

Машқлар	Ўқитувчининг қайдлари
Бошланғич машқ (10 дақиқа)	Кириш: Ўқувчилардан аввалги дарс охирида уйга вазифа сифатида берилган топшириқнинг жавобини сўранг. Энг яхши амалиётни аниқланг, шунингдек ҳар қандай кенг тарқалган хатолар ва муаммоларни бартараф этинг.
Асосий машқлар (150 дақиқа)	Ўқитувчи бошчилигидаги тақдимот: мустақил топшириқдаги ҳар бир алоҳида берилган топшириқни кўриб чиқиш: <ul style="list-style-type: none"> • ҳар бир топшириқни бажариш учун зарур бўлган асосий жиҳатларни ажратиб кўрсатиш. • ўқитишнинг асосий жиҳатларини аниқлаш. • ўқувчилар билан уларга мураккаброқ кўринган соҳаларни муҳокама қилиш.
Якуний машқ (20 дақиқа)	Модулнинг шарҳи: модулнинг ижобий жиҳатлари тўғрисида ўқувчиларнинг тақризларини олиш учун муҳокама ўтказиш, жумладан қуйидагилар тўғрисида: <ul style="list-style-type: none"> • ўқитишнинг асосий томонлари. • улар қийин деб ҳисоблаган мавзулар. • дарсларнинг суръати, ўқитувчиларнинг қўллаб-қувватлашларидан фойдаланиш, Ресурслар сифати, топшириқларнинг бажарилиш муддати каби модулни яхшилашга доир таклиф этилаётган усуллар.
Мустақил ўқиш / уй вазифаси	Мустақил бажариш учун машқ: қайдларни ёзиш ва таянч атамалар глоссарийсини тўлдириш. <ul style="list-style-type: none"> • фандаги камчиликларни ва самарадорликни ошириш учун зарур бўлган қўллаб-қувватлашни аниқлаб, ҳаракатлар режасини тайёрлаш.

Мустақил топшириқ

Малака	Pearson ВТЕС Ўзбекистон 5-даража Бухгалтерия ҳисоби ва молия соҳаси бўйича Професионал Диплом
Модул	2-модул: Молиявий менеджмент тамойиллари
Ўқитиш мақсади (мақсадлари)	<p>A Самарали қабул қилишни таъминлаш учун фойдаланиладиган бошқарувнинг турли ёндашувларини тушуниш.</p> <p>B Молиявий қарорларни қабул қилиш барқарор фаолиятни қандай қўллаб-қувватлашини тушуниш.</p> <p>C Самарали молиявий стратегияларни қўллаб-қувватлаш учун фойдаланиладиган молиявий бошқарув тамойилларини тушуниш.</p> <p>D Ҳисобга олишни бошқариш бўйича бухгалтериянинг ва ҳисобга олиш назорати тизимларининг ролларини тушуниш.</p>
Сарлавҳа номи	Бизнеснинг ривожланишини қўллаб-қувватлаш учун молиявий бошқарувдан фойдаланиш
Имтиҳон олувчи	
Чиқарилиш санаси	
Топшириш муддати	

Професионал-техник сценарий ёки мазмун	<p>Сиз бизнесни маълумотлар билан таъминлаш, қўллаб-қувватлаш, ривожланишини рағбатлантириш учун молиявий маълумотлардан фойдаланиш масалаларига доир янги ва кенгаяётган корхоналарга маслаҳатлар беришга ихтисослашган, бошқарув масалалари бўйича маслаҳатчи сифатида ишлайсиз.</p> <p>Сиз дастлабки бир неча йилда савдода кутилганидан ҳам кўпроқ ўсишга эришган, бироқ охириги икки йилда ўсиши чекланиб қолган компания билан музокаралар олиб борасиз.</p> <p>Ҳисоботларнинг охириги тўпламини кўриб чиққанидан сўнг, бизнес эгаси молиявий ҳолатнинг кучли – пул маблағларининг кутилмаган профицитидан иборат эканига эътибор қаратди. Бизнес эгаси ушбу ортиқча маблағдан келгусидаги ўсишни рағбатлантириш учун фойдаланишга</p>
---	--

	<p>қарор қилди.</p> <p>Шундай бўлсада, бизнес эгаси ўсиш стратегиясини ишлаб чиқиш учун қабул қилинадиган ҳар қандай қарорлар самарали молиявий бошқарув ва молиявий қарорларни қабул қилиш ўртасидаги ўзаро алоқани чуқур тушунишга асосланишни таъминлашга интилади, чунки бизнеснинг узоқ муддатли молиявий барқарорликка эга бўлиши муҳим ҳисобланади.</p> <p>Ўсиш стратегиясини молиявий қўллаб-қувватлаш учун бизнес эгаси бухгалтерия назорати тизимини яратиш ва назорат қилиш учун сизнинг бошқарув ҳисоби соҳасидаги тажрибангиздан фойдаланишни ўз ичига оладиган молиявий бошқарувнинг бутунлашган тизимини яратиш имкониятини кўриб чиқмоқда.</p>
--	--

<p>1-топшириқ</p>	<p>Бизнес эгаси сизга маблағларни бошқаришга нисбатан ёндашувлар, молиявий қарорларни қабул қилиш ва узоқ муддатли молиявий барқарорлик ўртасидаги алоқани ўрнатишга ёрдам берадиган ҳисоботни тайёрлашни топширди.</p> <p>Ҳисоботингиз қуйидагиларни ўз ичига олиши лозим:</p> <ul style="list-style-type: none"> • молиявий бошқарувнинг, молиявий қарорлар қабул қилишнинг ва алоҳида концепциялар сифатидаги узоқ муддатли молиявий барқарорликнинг шарҳини. • ўсиш стратегиясини қўллаб-қувватлаш учун бизнес эгаси томонидан фойдаланилиши мумкин бўлган молиявий бошқарув тамойилларини солиштиришни. • қарорларни самарали қабул қилишга кўмаклашадиган маблағларни бошқаришга нисбатан расмий ва норасмий ёндашувлардан ташкилотларнинг фойдаланишларини баҳолашни ва бунинг узоқ муддатли молиявий барқарорликка қандай таъсир этишини баҳолашни.
--------------------------	--

Талаб этиладиган далиллар рўйхати	<p>Тақдим этиш якка тартибдаги ёзма ҳисобот кўринишида расмийлаштирилиши лозим.</p> <p>Қуйидагилар бажарилиши керак бўлади:</p> <ul style="list-style-type: none"> • ҳисоботнинг бирлик интервалдан ва 12 ўлчамли шрифтдан фойдаланган ҳолда, қисқа, расмий, ишга оид услубда тузилиши. • зарурат туғилганда сарлавҳалар, хатбошилар ва қуйи бўлимлардан фойдаланиш. • ҳисоботни тегишли ва тан олинган ҳаволалар тизимидан фойдаланган ҳолда тадқиқотлар ва ҳаволалар билан асослаш. <p>Ҳисоботда камида 1500та, лекин 2000 тадан кўп бўлмаган сўзлар мавжуд бўлиши лозим.</p>
--	--

Мазкур топшириқ томонидан қамраб олинадиган мезонлар:	
Мезонларга ҳаволалар	Мезонга эришингиз учун сиз нимага қодир эканингизни кўрсатишингиз лозим:
A.P1	Самарали қарор қабул қилишни таъминлаш учун фойдаланилувчи молиявий бошқарувга расмий ва норасмий ёндашувларни тушунтиринг.
A.P2	Ташкилий шароитда самарали қарор қабул қилишни таъминлаш учун молиявий бошқарувга расмий ва норасмий ёндашувлардан қандай фойдаланишни баҳоланг.
B.P1	Молиявий қарорларни самарали қабул қилиш узоқ муддатли молиявий барқарорликни қандай қўллаб-қувватлашини таҳлил қилинг.
C.P1	Узоқ муддатли молиявий барқарорликни қўллаб-қувватловчи самарали молиявий стратегияларга эришиш учун ташкилотлар фойдаланадиган молиявий бошқаришнинг асосий тамойилларини таҳлил қилинг.

<p>2-топшириқ</p>	<p>Ҳисоботингизни ўрганиб чиққач, бизнес эгаси молиявий бошқарув тамойилларининг ва молиявий қарорларни самарали қабул қилишга нисбатан ёндашувларнинг муҳимлигини англаб етади.</p> <p>Молиявий бошқарувнинг бутунлашган тизимини яратиш ва назорат қилиш бўйича сизнинг хизматларингиздан фойдаланишдан аввал, бизнес эгаси сиздан компаниянинг юқори раҳбарияти учун тақдимот тайёрлашингизни сўради.</p> <p>Бошқарув ҳисоби ва назорат ҳисоби тизимининг аҳамияти тақдимотнинг мавзуси ҳисобланади.</p> <p>Сиз нима учун бизнес эгаси бошқарув ҳисоби ва ҳисобни назорат қилиш тизимини бизнесга молиявий бошқарувнинг бутунлашган тизимининг бир қисми сифатида жорий этиши лозимлигини тушунтирадиган тақдимотни тақдим этишингиз керак бўлади.</p>
<p>Талаб этиладиган далиллар рўйхати</p>	<p>Тақдим этиш, давомийлиги 10 дақиқадан кўп бўлмаган, саволлар ва жавоблар учун қўшимча беш дақиқадан иборат бўлган тегишли дастурий таъминотдан фойдаланган ҳолда яқка тартибдаги тақдимот шаклида бўлиши лозим.</p> <p>Сиз тақдимот слайдлари ва қайдларининг босма нусхасини тақдим этишингиз керак.</p> <p>Слайдлар керакли сарлавҳалардан фойдаланиши ҳамда ҳаволаларнинг тегишли ва тан олинган тизимига таянадиган тадқиқотлар билан бирга бўлиши лозим.</p>

<p>Мазкур топшириқ томонидан қамраб олинadиган мезонлар:</p>	
<p>Мезонларга ҳаволалар</p>	<p>Мезонга эришиш учун, сиз қуйидаги қобилиятларга эга эканлигингизни кўрсатишингиз лозим:</p>
<p>D.P1</p>	<p>Ҳисобга олишни бошқаришнинг қийматини молиявий бошқарувнинг бирлашган тизимининг таркибий қисми сифатида баҳоланг.</p>
<p>D.P2</p>	<p>Бухгалтерия назорати тизимининг мақсадини, молиявий бошқарувнинг бирлашган тизимининг таркибий қисми сифатида баҳоланг</p>

<p>Мазкур топшириқни бажаришда сизга ёрдам берадиган маълумот Ресурслари</p>	<p>Китоблар</p> <ul style="list-style-type: none"> • Aerts, W. and Walton, P. <i>Global Financial Accounting and Reporting: Principles and Analysis</i>, Cengage Learning EMEA (2013), ISBN-13: 978-1408062869. • Atrill, P., <i>Financial Management for Decision Makers</i>, Trans-Atlantic Publications (2014), ISBN-13 978-1292016061. • Cornwall, J. R., Vang, D. O. and Hartman, J.M. <i>Entrepreneurial Financial Management: an applied approach</i>, M.E. Sharpe (2012), ISBN-13: 978-0765627261. • Weetman, P. <i>Financial and Management Accounting: An Introduction</i>, Pearson Education (2013)б ISBN-13: 9780273789215. <p>Журналлар</p> <p><i>Европа молиявий менежменти</i> <i>Халқаро молиявий менежмент ва бухгалтерия ҳисоби</i> <i>журнали</i> <i>Трансмиллий молиявий менежмент журнали</i></p>
<p>Ушбу мустақил топшириққа илова қилинган бошқа баҳоловчи материаллар</p>	<p>Йўқ</p>

3-модул: Бошқарув ҳисоби тамойиллари

Ўқув қўлланма

Бухгалтерия ҳисоби ва молия соҳасидаги мазкур модулни ўрганаётган кўплаб ўқувчилар бошқарув ҳисоби жараёнларининг иш жойидаги таъсирига тўқнаш келганлар. Ишлаб чиқариш муҳитида ишлаётганлар харажатларнинг ҳар хил турлари, шунингдек захираларни бошқаришнинг муҳимлиги ҳақида билишлари эҳтимоли юқори.

Бироқ, ҳатто ишлаб чиқариш соҳасида иш тажрибасига эга бўлмаганлар ёки деярли эга бўлмаганлар ҳам бюджет тузишнинг ва мониторингнинг шартлари билан, шунингдек харажатларни назорат қилишнинг муҳимлиги билан танишлар. Бюджетга жавобгар бўлган ўқувчилар ҳам тафовутлар таҳлилининг асосий тамойиллари ва нохуш тафовутларни бартараф этиш учун зарур бўлган чора-тадбирлар билан таниш бўладилар.

Мазкур модулни ўтиш давомида ўқувчилар ўзларининг шахсий иш шароитларида бошқарув ҳисоби соҳасидаги ўз тажрибалари билан ўртоқлашишлари фойдали бўлади. Бу ўқувчиларга харажатларни ва бюджетни мониторинг қилишнинг турли тизимлари билан, шунингдек турли корхоналар томонидан харажатларнинг ортиши ёки даромадларнинг камайиши натижасида келиб чиқадиган молиявий муаммоларни ҳал этиш учун амалга ошириладиган турли ҳаракатлар билан танишишларига имкон беради.

Ўқувчиларга **Портер**нинг бешта кучининг таҳлили каби бизнес-моделларни қўллашлари ва иқтисодиётнинг муайян секторида фаолият юритаётган корхоналарга ўз таҳлилларининг стратегик оқибатлари ҳақида хулоса қилишлари учун турли корхоналарнинг мавзуга оид тадқиқотларига назар солишларига имконият бериш лозим.

1-жадвалда мазкур модулда кўриб чиқиладиган ўқитиш мақсадлари ўқувчиларининг тажрибаларини янада аниқроқ акс эттириши учун беришингиз мумкин бўлган баъзи саволларнинг мисоллари келтирилган.

Модулнинг мавзуси	Ўқувчиларнинг тажрибалари
Бошқарув ҳисоби тизимлари	<p>Ташкилотингизнинг бюджети қандай шаклланади?</p> <p>Ташкилотингиз бюджетининг шаклланиши ва мониторинги учун сиз қай даражада масъулсиз?</p> <p>Бюджетдаги нохуш тафовутларни бартараф этиш учун қандай чоралар қўлланилмоқда?</p> <p>Сиз ташкилотингиздаги оператив ёки стратегик қарорлар қабул қилинишида иштирок этасизми?</p> <p>Қарорлар қабул қилиш учун сиз қандай маълумотдан фойдаланасиз?</p>
Бошқарув ҳисоби усуллари	<p>Ташкилотингиздаги қандай харажат турларини таснифлай оласиз?</p> <p>Ташкилотингизда ҳисоб-харажатга оид марказлар қандай тақсимланган?</p> <p>Ташкилотингизда захираларни назорат қилиш қанчалик муҳим?</p>
Режалаштириш воситалари	<p>Ташкилотингизнинг асосий кучли ва кучсиз томонлари нималардан иборат?</p> <p>Ташкилотингизга таъсир этадиган муҳим ташқи омиллар нималардан иборат?</p>
Молиявий муаммолар	<p>Ташкилотингиз фаолиятининг натижаларини баҳолаш учун самарадорликнинг қандай асосий кўрсаткичларидан фойдаланилади?</p> <p>Ташкилотингиздаги молиявий муаммолар билан ишлаш тажрибангиз ҳақида сўзлаб беринг.</p>

1-жадвал. Бошқарув ҳисоби ва ўқувчиларнинг тажрибалари

Модул билан танишиш

Молиявий бошқарув ва молиявий бошқарувга доир ҳисоботлар тузиш билан шуғулланадиган бошқа модулларда бўлгани каби, мазкур модул ҳам ўқувчиларга турли контекстларда нархлар, харажатлар, бюджетларга тааллуқли қарорлар қабул қилишда бошқарув маълумоти усулларини қўллаш имкониятини тақдим этади. Ўқувчилар қисқа муддатли тезкор режалаштириш ва узоқ муддатли стратегик режалаштириш учун зарур бўлган бошқариш кўникмаларини табақалашлари мумкин.

Шунингдек, модул стратегик режалаштириш жараёнида фойдаланиладиган бир қатор турли бизнес-моделларнинг вазифалари билан ҳам таништиради. Масалан, ўқувчилар ички ва ташқи муҳитни таҳлил қилиш учун SWOT ва PEST билан танишишлари, шунингдек турли бозорлардаги рақобатчи кучларни баҳолаш учун **Портер**нинг бешта кучининг таҳлилидан фойдаланишни билишлари лозим.

Ўқувчиларни бошқарув ҳисоби вазифаларини бажариш учун зарур бўлган кўникмаларни эгаллашларига рағбатлантириш керак бўлади.

Ўқувчиларни ўзлари бажарган топшириқлар далилларининг тўпламини доимий тарзда юритиш, мазкур топшириқларни бажаришда фойдаланган кўникмаларини солиштиришга ундаш талаб этилади. Ушбу тўплам, ўқувчиларнинг самарали бошқарув бухгалтерининг кўникмаларини аниқлашни талаб этадиган D ўқитиш мақсадига эришишларига кўмаклашади. Бундан ташқари, бошқарув тўплamidан таянч молиявий атамаларнинг доимий глоссарийсини юритиш учун ҳам фойдаланилиши мумкин.

2-жадвалда ўқувчининг бошқарув тўплamidан парчалар келтирилган.

Бошқарув тизимлари тўплами			
Сана	Вазифа/Машқ	Жойлашган ўрни	Кўникмалар
1 Июнь 20XX	<p>Молиявий менежердан 20XX йил май ойи учун нохуш тафовутларни кўрсатувчи бюджетга доир ойлик ҳисобот олинди.</p> <p>Кўрилган чора-тадбирлар:</p> <p>Нохуш тафовутларнинг қандайдир муайян сабабларини аниқлаш учун бюджетнинг ойлик кўрсаткичларини таҳлил қилиш.</p> <p>Амалга оширилиши зарур бўлган хатти-ҳаракатларнинг муҳимлигини аниқлаш.</p> <p>Молиявий менежерга юбориш учун ҳаракатлар режасини тузиш.</p> <p>Ҳаракатлар режасини келишиб олиш учун молиявий менежер билан учрашувни ташкил этиш.</p>	Иш жойи.	<p>Кўникмалар таҳлили (молиявий маълумотларнинг таҳлили).</p> <p>Кўникмаларнинг муҳимлигини аниқлаш (қўлланилиши лозим бўлган чоралар).</p> <p>Мулоқот кўникмалари (ёзма ва оғзаки).</p>
<p>ГЛОССАРИЙ</p> <p>Бюджетдаги тафовутлар: Бюджетдаги фарқ – бу режалаштирилган харажатлар ёки даромадлар ва ҳақиқий сумма ўртасидаги фарқ. Агар ҳақиқий даромад бюджетдан кўп бўлса ёки ҳақиқий харажатлар бюджетдан кам бўлса, бюджетдаги фарқ фойдали бўлади.</p>			

2-жадвал: Ўқувчининг бошқарув тўпламидан парчалар

Баҳолаш модели

Ўқитиш мақсади	Асосий мавзулар	Баҳолашга нисбатан тавсия этилган ёндашув
A Бошқарув ҳисоби тизимини тушуниш.	<ul style="list-style-type: none"> • Бошқарув ҳисобига кириш. • Бошқарув ҳисоби тизимларининг ҳар хил турлари. • Молиявий маълумотни тақдим этиш. 	Бошқарув ҳисоби тизимига инвестиция киритишни кўриб чиқаётган бизнес эгасига молиявий ҳисоботни тақдим этиш учун молиявий маълумотларни таҳлил қилиш ва шарҳлаш.
B Бошқарув ҳисобининг турли усулларини қўллашни билиш.	<ul style="list-style-type: none"> • Микроиқтисодий усуллар. • Маҳсулот қиймати. • Инвентар қиймати. 	
C Режалаштиришдан бухгалтерия ҳисобида қандай фойдаланишни тушуниш.	<ul style="list-style-type: none"> • Режалаштириш ва назорат қилиш учун бюджетлардан фойдаланиш. • Нархни ташкил этилиши. • Калькуляциянинг умумий тизимлари. • Стратегик режалаштириш. 	
D Ташкилот молиявий муаммоларни тартибга солиш учун бошқарув ҳисобидан қандай фойдаланишини билиш.	<ul style="list-style-type: none"> • Молиявий муаммоларни аниқлаш. • Молиявий бошқарув. • Бошқарув ҳисоби бўйича кўникмалар тўплами. • Самарали стратегиялар ва тизимлар. 	

Баҳолашга доир қўлланма

Мазкур модул иккита топшириқ ёрдамида баҳоланади.

- **1-топшириқ** ўқувчилардан сингдирилиш ва чегаравий қиймат тўғрисидаги маълумотлардан, шунингдек маълумотларнинг мазкур тўпламидан фойдаланган ҳолда статистик маълумотлар тўпламидан фойдаланиб, фойда ва зарарлар ҳақидаги ҳисоботни тайёрлашни талаб этади. Ушбу тадбирлар натижаларидан уларнинг бизнес учун аҳамиятини шарҳлаш учун фойдаланилади.
- **2-топшириқ** ўқувчилар томонидан бизнес эгасини бошқарув ҳисоби тизимини жорий этишга ундаш мақсадига эга бўлган расмий ҳисобот тақдим этиладиган 1-топшириқ натижаларига асосланади. Қисқа кўринишда шаклланган, режалаштириш воситаларини баҳолаш тегишли мисоллар билан бирга бажарилиши лозим бўлади.

Модулнинг бошланиши

Бошланиш ўқитиш усулини тақдим этиш учун таянч нуқтаси ҳисобланади.

3-модул: Бошқарув ҳисоби тамойиллари
<p>Кириш</p> <p>Мазкур модул ўқувчиларни улар ўзларининг меҳнат фаолиятларида тўқнаш келишлари мумкин бўлган бошқарув ҳисобининг турли жиҳатлари билан таништиради. Модул билимларни амалий сценарийларга қўллашни ўз ичига олади ва ўқувчиларни стратегик режалаштиришда фойдаланиладиган бизнес-моделлар билан таништиради.</p> <p>Модул харажатлар ҳисобининг бизнесда тутган ўрнининг асосий билим ва тушунчаларини таъминлайди; иш ҳақи учун харажатлар, материаллар ва қўшимча харажатлар; чегаравий харажатлар; кодлаш тизимлари ва бошқарувни ахборот тизимларининг ташкилотларда тутган ўрни. Модул, шунингдек, ўқувчиларни бошқарув ҳисобига доир қарорлар қабул қилиш тамойиллари билан ҳам таништиради.</p>
А ўқитиш мақсади – Бошқарув ҳисоби тизимини тушуниш.
<p>Бошқарув ва молиявий ҳисоблар ўртасидаги фарқни кўриб чиқиш фойдали бўлар эди. Агар ўқувчилар 2-модул: Молиявий бошқарув тамойилларини ўрганган бўлсалар, бу Бошқарув ҳисоби модулига кириш учун таянч нуқтаси бўлиб хизмат қилиши мумкин. Агар шундай бўлса, сиз ўқувчиларнинг бошқарув ҳисобини, шу билан бир қаторда бошқарувнинг ахборот тизимларининг асосий вазифаларини аниқлашга уринишларини хоҳлайсиз. Қуйидаги жиҳатлар қамраб олиниши зарур:</p> <ul style="list-style-type: none"> • бошқарув тизими вазифаларини ва унинг тезкор ҳамда стратегик бошқарув қарорлари, жумладан бизнеснинг самарадорлигини баҳолаш нуқтаи назаридан молиявий бошқарув тизимлари билан алоқасини кўриб чиқиш. • захираларни бошқариш тизимларига алоҳида урғу берган ҳолда бизнесда харажатлар назоратининг муҳимлиги.

В ўқитиш мақсади – Бошқарув ҳисобининг турли усулларини қўллашни билиш.

Харажатлар ҳисоби бошқарув ҳисобининг асоси ҳисобланади ва модулнинг мазкур қисми ўқувчиларни харажатлар ҳисоби тамойиллари билан таништиради. Ўқувчилар қуйидагилар билан боғлиқ ҳисоб-китобларни амалга оширишлари учун харажатларнинг турли таснифларини ажрата олишлари лозим:

- харажатлар ва фойда ҳажмининг таҳлили (CVP/ЗОП таҳлил).
- чегаравий қиймат ва харажатларни қоплаш қиймати.
- фаолият турлари бўйича таннархнинг ҳисоб-китоби (ABC/PCD):
 - захираларни баҳолаш – FIFO (биринчи бўлиб келди – биринчи бўлиб кетди) ва LIFO (охирги бўлиб келди – биринчи бўлиб кетди).

С ўқитиш мақсади – Режалаштиришдан бухгалтерия ҳисобида қандай фойдаланишни тушуниш.

Модулнинг мазкур қисми, эҳтимол ўқувчиларга энг таниш бўлиши мумкин, айниқса улар бўйсунувчилар ёки бошқарувчи лавозимларда бўлсалар. Ҳатто мазкур лавозимларни энди эгаллашни кўзлаётган ўқувчилар ҳам бюджетни ва уни нима учун текшириш ва назорат қилиш кераклигини тушунадилар. Шу тариқа, бу ўқувчиларнинг тажрибалари ўқитишнинг баъзи асосий жиҳатларини мустақамлаши мумкин бўлган бўлимнинг бир қисми ҳисобланади. Ўқувчилар ўзларининг ташкилотларида бюджетнинг қандай тузилишини, шунингдек бюджетни мониторинг қилиш учун фойдаланиладиган жараёнларни, жумладан бюджет маблағларини олувчилар томонидан йўналтириладиган бошқарув ҳисобини мунтазам мониторинг қилишга доир ҳисоботлар шаклини таърифлаб беришлари мумкин. Буларни тафовутлар ва хатти-ҳаракатларнинг таҳлили билан боғлаш мумкин.

Модулни ўрганишнинг ушбу босқичида (қисқа муддатли курснинг таркибига кирадиган бошқа фанлардан олинган билимлар билан уйғунлаштирган ҳолда) ўқувчилар молиявий муаммоларни ҳал этиш учун стратегик мақсадлар ва тезкор қарорлар билан боғлиқ бизнес-қарорларга алоҳида эътибор қаратган ҳолда, харажатлар ҳисобидан бошқарув ҳисобига ўтишлари мумкин.

Шунинг учун, ўқув дастурини ишлаб чиқишда сиз қуйидаги мавзуларга диққатингизни жамлашингиз лозим:

- Бюджетлар қандай тузилади, текширилади ва назорат қилинади.
- Калькуляция қилиш тизимлари.
- Нархни белгилашга доир қарорлар бозор шартларини қандай ҳисобга олади.
- Стратегик қарорларни режалаштиришда бизнес-моделлардан фойдаланиш.

D ўқитиш мақсади – Ташкилот молиявий муаммоларни тартибга солиш учун бошқарув ҳисобидан қандай фойдаланишини билиш.

Мазкур ўқитиш мақсадига эришиш, шунингдек мавзуга оид тадқиқотларни ўрганиш учун ўқувчининг шахсий тажрибасидан фойдаланиш фойдали рағбатлантириш ҳисобланиши мумкин. Аслини олганда, молиявий қийинчиликлар даромадларнинг пасайиб кетишига ёки харажатларнинг ортиб кетишига олиб келадиган омиллар билан боғлиқ бўлиши мумкин. Ҳар қандай ҳолатда ҳам, кўпгина молиявий муаммоларни нотўғри қарорлар қабул қилиниши ёки раҳбарият томонидан ёмон назорат қилиниши билан тушунтириш мумкин. Албатта, бизнесга боғлиқ бўлмаган омиллар туфайли юзага келадиган муаммолар ҳам мавжуд – табиий офатлар ёки давлат сиёсатининг ўзгариши – булар муайян бизнесга салбий таъсир этиши мумкин бўлган иккита ташқи макроиқтисодий омиллар. Шу тарзда, йирик таъминотчидан айрилиш йирик шартномани бой бериш каби микроомиллар ҳам бизнесга таъсир этиши мумкин.

Модулнинг мазкур қисмида кўриб чиқилиши керак бўлган муҳим жиҳат ўқувчининг молиявий муаммоларни ҳал этиш учун корхоналар томонидан қўлланиладиган турли стратегияларни таққослаш ва солиштириш имкониятига эга бўлишидан иборат.

Шунинг учун ушбу модулни қамраб олишда қуйидагиларни ҳисобга олиш зарур:

- молиявий муаммоларнинг олдинги даври ва контекстини.
- молиявий муаммоларни ҳал этиш учун фойдаланиладиган стратегияларни.
- молиявий бошқарув мажбуриятларини.
- молиявий муаммоларни ҳал этиш учун фойдаланилиши мумкин бўлган бошқарув ҳисоби кўникмаларини.

ВТЕС нинг бошқа модуллари ва малакаларига ҳаволаларлар

Мазкур модул бошқа барча модуллар билан боғлиқ, бироқ қуйидаги модуллар учун аниқса долзарб ҳисобланади:

- 1-модул: *Молиявий транзакцияларни ҳисобга олиш*
- 2-модул: *Молиявий менежмент тамойиллари*
- 4-модул: *Молиявий қайднома ва ҳисобот*

Ресурслар

Китоблар

- Drury, C. *Cost and Management Accounting*, Ninth Edition, Cengage Learning EMEA(2015), ISBN-13: 9781473749054.
- Edmonds, T.P., Olds, P.R. and Tsay, Bor-Yi, *Fundamental Managerial Accounting Concepts*, Seventh Edition, McGraw-Hill(2013), ISBN-13: 9780073527123.
- Horngren, C., Sunden, G., Stratton, W., Burgsthaler, D. And Schatzberg, J. *Introduction to Management Accounting*, Pearson Education (2013), ISBN-13: 9780133059748.

(Мазкур дарсликнинг онлайн-курсдан фойдаланишга кўмаклашувчи электрон талқини мавжуд)

- Seal, W., Rohde, C., Garrison, R.H. and Noreen, E. *Management Accounting*, Fifth Edition, McGraw-Hill Education (2014), ISBN-13 9780077157500.

Pearson ташқи интернет-сайтларнинг мазмунига жавобгарликни ўз зиммасига олмайди. Ҳар бир веб-сайтни синфда фойдаланишдан аввал, URL-манзилнинг ҳамон аниқ, ишончли ва ўринли эканига ишонч ҳосил қилиш учун ўқитувчилар томонидан кўриб чиқилиши муҳим ҳисобланади. Биз ўқитувчиларга фойдали веб-сайтларни танланган саҳифаларда сақлашни ва ўқувчиларга мактаб / колледжнинг ички тармоғи орқали улардан фойдаланишга руҳсат беришларини маслаҳат берамиз.

Иш схемаси

Модулнинг номи	3-модул: Бошқарув ҳисоби тамойиллари
Ўқув соатлари	60
Дарслар сони	20
Дарслар давомийлиги	3 соат
Бошқа модулларга ҳаволалар	Барча модуллар

Ўқитиш учун калитлар			
ЁМТ	Ёзма мустақил топшириқ	ММ	Материални мустаҳкамлаш
ТЭС	Таклиф этилган спикер	Т	Ташриф
МЎ	Мустақил ўқитиш	ИТ	Иш тажрибаси

#	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
